



ИШОНЧ

41

1992 йил
12-18
октябрь
(80)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИХАСИ
УМУМХАЛҚ МУХОКАМАСИДА

КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституцияси лойиҳаси муҳокамасини ташкил қилиш ва таклифларни йиғиш учун Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашида махсус комиссия тузилди.

Қасаба уюшмаси ташкилотлари раҳбарлари Конституция лойиҳаси муҳокамасини пухта ташкил этишлари, билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни 20 октябрдан Федерация кенгаши комиссиясига такдим этишлари лозим. Комиссия барча таклифларни умумлаштиради ва республика Олий Кенгашига етказилади.

ФИКРИМЧА...

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси умуман олганда менга маъқул. Аввалгисига қараганда 50 дан ортиқ модда қамайтирилган, кўпгина моддалар, боблар янгитдан қўшилган. Унинг мукамал, тушунарли ва қамрови кенг ҳужжат бўлишини назарда тутиб лойиҳага баъзи ўзгартиришлар киритишни, таклиф ва мулоҳазалар билдиришни лозим топдик.

Лойиҳанинг II боб. 8-моддасида: «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади» дейилган. Бизнингча бу матн қуйидагича бўлгани маъқул: «Ўзбекистон фуқаролари миллатидан қатъий назар Ўзбекистон халқини ташкил этади».

IX боб. 35-моддага қўшимча киритиб: «Банкка қўйилган пуллар инфляцияга қараб ошириб борилиши таъминланади» дейиш керак.

IX боб. 39-моддада: «Хар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» дейилган. Унга «бепул» деган сўзни қўшиш зарур, деб ҳисоблайман.

XI боб. 46-моддада: «Фуқаролар Ўзбекистон халқларининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбур» дейилган. Шунга «...асрашга» деган сўздан кейин «махаллий аҳолининг урф-одати ва маросимларини ҳурмат қилишга» деган сўзларни қўшиш маъқул бўларди.

XII боб. 52-моддада: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида» дейилган. Шундаги «...захиралар» сўздан кейин «пуллар» сўзи қўшилгани маъқул.

XVIII боб. 79-моддада: «Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида қонун-лоийҳаларини таклиф этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек ўзининг давлат Олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди, Олий суди, Олий Хўжалик Суди, Бош прокурори эгаларлар» дейилади. Шу моддага Олий хўжалик суди ўрнига «ўз сафига 1 млн. дан ортиқ кишини бирлаштирган жамоат бирлашмалари» деган жумла қўшилса маъқул бўларди.

Шу бобнинг 83-моддасида сўнгги хат бошида: «Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Раиси фармойишлар чиқаради» дейилган. Шу жумладан «Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Раиси» сўзлари ортиқча деб ҳисоблайман, чунки бу жумла тепада, хат бошида айтылган.

XIX боб. 91-моддада: Президент қасамёди матни қуйидагича ўзгартирилгани маъқул. «Ўзбекистон халқининг бахти-иқболи учун садоқат билан хизмат қилишга, Республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қанолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни сийқидилдан ҳалол бажаришга виждоним билан тантанали қасамёди қиламан».

Шу бобнинг 92-моддасининг 9-бандида: «Бош вазир, бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимдан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий мажлисининг тасдиғига киритади» дейилган. Шу матннинг «Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини» деган сўзлардан кейин «газетанинг Бош муҳарририни» деган сўз қўшилса демократиямизга жуда мос келарди.

92, 109, 111-моддалар матнидаги «судья» сўзлари ўрнига ҳакам сўзлари ишлатилса бўлмайми?

Рим ёзувчиси Сенеканинг «Қонун лўнда бўлиши керак, токи уни оми одамлар ҳам ёдда тутсинлар» сўзларидан келиб чиқиб, айтмоқчиманки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам қанча мукамал, тушунарли ва лўнда бўлса халқларимиз томонидан шунча тез ўрганилади ва ўзлаштирилади.

Асосий қонун бу халқимизнинг маънавий ва сиёсий даражасини англатувчи катта дастурдир. У ишлаши керак, кенг омма уни ўзи яратиши ва ўзи унга амал қилиши лозим. Бизга ана шунанга Конституция керак ва ўйлайманки, ана шунанга Асосий қонун яратилади.

Р. СОДИҚОВ.



ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛОРУС республикалари қасаба уюшмалари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ҳозирги шароитда янгича шакл касб этмоқда. Улар собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши оқибатида узилиб қолган алоқаларни яна тиклаш, мавжуд қийинчиликларни биргаликда ҳал этиш, халқларимиз турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида ўзаро манфаатли шартнома имзолашга қарор қилдилар. Шу мақсадда Белорус қасаба уюшмалари делегацияси ўтган ҳафтада республикамизга ташриф буюрди.

Делегация таркибида Белорус қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раиси В. И. Гончарик, радиоэлектроника саноати ходимлари қасаба уюшмаси республика кенгаши раиси Г. Ф. Фединич, Федерация кенгаши ташкилий бўлими мудир А. И. Левицкий, «Белурски час» газетаси бош муҳаррири О. К. Николайчик ва «Минск соат заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Т. Г. Кирпиченкова бор эди.

Уларни Тошкент аэропортида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Делегация аъзоларининг республи-

камиз бўйлаб сафари ҳариккала мамлакат қасаба уюшмалари Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган шартномани имзолаш маросимда делегация аъзолари, республикамиз қасаба уюшмаларининг фаоллари ва раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раиси Б. А. Алламуродов ва Белорус қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раиси В. И. Гончарик ўзбек, белорус ва рус тилларида тузилган шартномага тантанали равишда имзо чекдилар. Сўнг бу шартноманинг иккала мамлакат қасаба уюшмалари, умуман ўзбек ва белорус халқлари ҳаётида ўйнайдиган ижобий ролни атрофлича шарҳлаб бердилар.

Делегация аъзолари ҳафта давомида республикамизда меҳмон бўлиб Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари қасаба уюшмалари ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Бир қатор меҳнат жамоаларида ва «Чимён» дам олиш зонасида бўлдилар.

«Ишонч» муҳбири. Суратда: шартномани имзолаш пайти.

Даврон АХМАД олган сурат.

Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчиларига табрикнома йўллади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Америка Қўшма Штатларининг собиқ давлат котиби Генри Киссинжер билан республика халқ депутатлари, вазирликлар ва идораларнинг, йирик концернлар, уюшмалар, банкларнинг раҳбарлари, иқтисодчи олимлар, мутахассислар билан учрашув ўтказилди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошқарди.

● **ҲАҚИҚИЙ** ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуроли кучлар, Чегара қўшинлари ва Ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ҳақида ҳамда фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқоабил хизматга навбатдаги чакирик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти И. Каримов 1992 йил 1 октябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бошқа ҳисобдаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида Фармон берди. (Фармон Газетамизнинг навбатдаги сониди тўла эълон қилинади)

● **БУЮК** аллома, маъданшунос олим ва атоқли давлат арбоби, академик Ҳабиб Абдулаев туғилган кунининг 80 йиллиги республикамизда зўр тантаналар билан нишонланди.



● **ҚИРҒИЗИСТОН** пойтахти Бишкекда МДХга аъзо бўлган давлатлар бошқиларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди.

«ИШОНЧ»



ФЕСТИВАЛИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ 3 ОКТАБРДА Яккасарой районидаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИНING БИРИНЧИ ФЕСТИВАЛИ одамлар хотирасида узок вақт сақланиб қолса ажаб эмас. Ушбу куни эрта тонгданоқ сўлим боғ узра таралган

дилрабо куй ва қўшиқларга қарнай-сурнай сандолари қўшилиб кетди. Фестиваль қатнашчилари бирин-кетин микрофонлар олдида келиб «Ишонч»га энг самимий истақларини изҳор этдилар, газета мундарижасини янада бойитишга қўмақлашувчи қимматли таклифларни ўртага ташладилар. (Фестиваль ҳақидаги ҳисобот, интервью ва суратли лавҳаларни газетанинг 6-, 14-, 16-бетларида ўқийсиз)

РЕСПУБЛИКА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМА ХАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНING ВА КАСАБА УЮШМА АЪЗОЛИГИНИ АСОСЛАШ МУАММОСИ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИНИНГ ЛОЙИХАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раёсати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида Ўзбекистон касаба уюшма ҳаракатини ривожлантириш Концепциясининг ва касаба уюшма аъзолигини асослаш муаммоси айрим жиҳатларининг лойиҳаси маъқуллансин.

2. Концепцияни муҳокама қилишга республикадаги меҳнат жамоаларини, касаба уюшмаларини мумкин қадар кўпроқ жалб этиш мақсадида мазкур лойиҳа «Ишонч» газетасида эълон қилинсин.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг аъзо ташкилотларига ҳавола қилинаётган Концепция лойиҳасини ўзларига мақбул бўлган йўсинда муҳокама этиш ва унга оид таклифларини ташкилий ишлар ва аъзо ташкилотлар би-

лан алоқа бўлимига ҳозирги йилнинг 15 ноябрига қадар муҳлатда такдим қилиш тавсия этилсин.

4. Концепция лойиҳасида тилга олинган муаммолар аҳамиятлигини эътиборга олиб, уларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг навбатдаги мажлисида «Республика касаба уюшма идораларининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосидаги ҳаракат тактикаси ҳақида»ги масалани кўриб чиқиш доирасида муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раёси
Б. АЛЛАМУРОДОВ.

Республика бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида Ўзбекистон касаба уюшма ҳаракатини ривожлантириш Концепцияси ва касаба уюшма аъзолигини асослаш муаммосининг айрим жиҳатлари

Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар жамият ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма томонларини қамраб олди, кўпдан-кўп давлат ва жамоат тузилмаларини ҳаракатга келтирди.

Ушбу жараёнлар касаба уюшмаларининг фаолияти учун янги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яратди. Касаба уюшмалари ўзларининг сифат жиҳатидан янги мавқе тутишларини эълон қилиб, ўзларига хос бўлмаган вазифалардан аста-секин четлашиб бормоқдалар, ҳокимият ва бошқарув идоралари билан муносабатларини мустақиллик ва ижтимоий шериклик асосида юритмоқдалар.

Меҳнатқашлар касаба уюшма ҳаракатидаги демократизацияни, сайланадиган идораларни шакллантиришда янги ёндашувларни, демократик марказчиликдан воз кечишни, касаба уюшма тузилмалари ўзаро муносабатларининг шартномавий шакллари ривожлантириш ва шу қабиларни ижобий баҳоламоқдалар. Шу билан биргаликда шу нарса ҳам аён бўлиб қолдики, ўзгаришлар касаба уюшма ҳаракати стратегияси ва тактикасини идрок этиб ўзгариштириши, янги мақсад ва вазифаларни вақти-вақти билан аниқлаштириб боришни талаб қиладиган янги муаммоларни вужудга келтиради.

Касаба уюшмаларининг кўп укладли иқтисодиёт шароитидаги фаолияти мулкнинг турли шакллари мавжуд бўлган вазиятда касаба бирлашмаларининг ҳимоявий вазифаларини самарали бажара оладиган янги миришкор тузилмаларини яратиш ва борларини ислоҳ қилиш заруриятини объектив равишда келтириб чиқаради.

Шу боис, рўй бераётган жараёнларни объектив баҳолаб, турли касаба уюшмаларига бирлашиш ихтиёри ҳуқуқини меҳнатқашларгагина ҳавола этиб, фаоллар, барча даражалардаги касаба уюшма идоралари, уларнинг раҳбарлари аввало касаба уюшма бирлигини сақлаб қолиш учун курашчилари, бўлишни пайкагудек бўлсалар, ажралиб чиқаётган касаба уюшма бирлашмалари билан ҳамкорлик қилишнинг мурасасозлик йўллари излаб топишлари лозим.

Аслида гап Ўзбекистон Республикаси барча минтақалари, тармоқларининг касаба уюшмаларини ҳар томонлама янгилаш ва тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек ягона демократик касаба уюшма маркази сифатидаги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси моделини мукамаллаштириш тўғрисида бормоқда.

Ушбу ишда бозор иқтисодиётлари ривожланган мамлакатлар тажрибасини қўллаш, Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларида белгиланган барчага манзур халқаро-ҳуқуқий меъёрларга асосланиш ниҳоятда асқотиши мумкин. Лекин бунда шунинг эътиборида тутиш керакки, биринчидан, ғоят ижобий ҳоржий тажриба ҳам Ўзбекистонга унинг ўз хусусиятлари мавжудлиги, касаба уюшмаларига бирлашган ходимлар ўзларининг руҳиятларида, аъзалари ва маънавий кадрларларида ўзига хослик борлиги туфайли ўйламай-нетмай татбиқ қилинишининг иложи йўқ ва иккинчидан, Ўзбекистон касаба уюшмалари батамом ўзларининг аввалги тажрибалари баҳридан кечаётганлари ва янги бинони бўш жойда кураётганлари йўқ. Улар ўтмишдан, албатта, ўзларининг одамлар манфаати йўлида хизмат қилишларида, меҳнат жамоаларининг талаб ва эҳтиёжларини эътиборга олишларида, ишчилар ҳамжиҳатлигини ривожлантиришларида асқотадиган жамияти жиҳатларини оладилар.

1. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИЛАНГАН ВА БАҚУВВАТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ УЧУН

Республика касаба уюшма ҳаракати янги концепцияси жавоб бериши керак бўлган муҳим масалалар аввало амалга ошириладиган туб ислохотларни баҳолашга тааллуқлидир. Касаба уюшмалари ушбу ислохотларни қўллаб-қувватламоқдаларми ва шундай бўлса, қай даражада қўллаб-қувватламоқдалар?

Умумийроқ масалалар ҳам бор — касаба уюшмалари снэсий курашда қатнашмоқчиларми? Улар бундан буюн ҳам иқтисодий масалалар билан шуғулланадиларми? Ва ниҳоят, аслида эндиликда қандай жамият куракчимиз?

Ушбу саволларга тўғри ва ҳалол жавоб беришдан қочин одамлар фикридаги бесаранжомликини кучайтирган, касаба

уюшма ташкилотлари бўлиниб кетишига, тармок ва ҳудудий тузилмалар бирлашмай қўйишига, шунингдек касаба уюшмаларидан оддий аъзолар чиқиб кета бошлашидек мушкулотларга олиб келган бўлур эди.

Шу билан бирга касаба уюшмалари ўзларини у ёки бу «изм»нинг афзаллиги тўғрисидаги самарасиз мунозараларга тортишга йўл қўймасликлари керак. Гап ўтиш даври ҳақида, ижтимоий йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётли демократик жамият барпо этиш тўғрисида, мулк шаклидан қатъий назар меҳнат муносабатлари борасида маданиятлик шерикчилик қилиш ҳақида бораётганлигини эътиборда тутиш лозим.

Ушбу вазиятда асосий эътиборни меҳнат аҳли ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячилари сифатидаги касаба уюшмаларининг фаолияти азалий принципларига асосланувчи касаба уюшма ҳаракати янги мафкурасини ишлаб чиқишга қаратиш тўғри бўлур эди.

Ҳозирги вақтда ҳар бир меҳнатчига шундай бир фикрнинг синдириши айниқас муҳимки, касаба уюшмасига аъзо бўлиб қирар экан, у ишлаб чиқариш демократиясида қатнашиш учун минбарга эга бўлади, ўз жамоаси ва умуман жамиятда ишларнинг боришига таъсир этиш ҳақиқий имкониятини қўлга киритади, касаба уюшмаси унга ўз муҳим манфаатларини жамоага бирлашиб ҳимоя қилиш, шунингдек шахсий юридик ёрдам ва ижтимоий мадад олиш ҳуқуқини беради.

Шунга кўра касаба уюшма аъзолигини асослаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Шунини ишонч билан таъкидлаш мумкинки, ҳозирги кундаёқ касаба уюшма аъзолиги зарурлигининг далиллари етарличадир.

Энг кам иш ҳақини, бюджетдан таъминланадиган ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсияларни, болали оилаларга бериладиган нафақаларни, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларининг стипендияларини оширишни, шунингдек, чекланган рўйхатдаги товар ва хизматлар чакана нархларини тартибга солиб боришни кўзда тутадиган йирик қонун ҳужжатлари касаба уюшмалари ташаббусига кўра ва уларнинг фаол иштирокида қабул қилинганлиги шундай далиллар жумласидандир. Аҳолига ижтимоий мадад бериш республика ва ҳудудий фондлари ташкил этиш ҳисобига энг ночор фуқароларга ижтимоий мадад кўрсатиш молиявий манбалари вужудга келтириладиганлиги ҳам шулар сирасидандир.

Лекин мулк шакллари ўзгарган, касаба уюшмалари қайта қурилиши бошланғич касаба уюшма ташкилотидан бошланади, шу сабабли аъзолик муаммоси биринчи навбатда бошланғич ташкилот учун долзарбдир. Айни бошланғич касаба уюшма ташкилотидан ходим ўзига касаба уюшмасига кераклиги ёки керак эмаслиги, қандай касаба уюшмасига аъзо бўлиб қирар, унда қолиш ёки қолмасликка аҳд қиладди. Аввало касаба уюшма оддий аъзолари касаба уюшма ташкилоти уларга аниқ ҳаётий вазиятда қандай ёрдам кўрсата олишини, уларни қандай ҳимоя қила билишини, умуман меҳнат жамоаси ва касаба уюшма ҳар бир аъзосининг манфаатларига дахл қўладиган янги вазиятларга нечоғли ҳозиржавоблик қилишни кўришни истайдилар.

Касаба уюшмалари эришган, амалдаги қонунларда, тарифларга оид битимларда, жамоа шартномаларида мустақамланган ижтимоий кафолат ва имтиёзлар қорхона ва ташкилотлар ходимларининг барчасига ҳам тааллуқли бўлиши, шу туфайли касаба уюшма идоралари ва улар етакчилари фаолиятининг аҳамиятига пурут этиши ҳам касаба уюшма аъзолиги асқотилиши муаммосига таъсир этади. Шу боис касаба уюшмалари умуман меҳнатқашларни эмас, балки аниқ касаба уюшма аъзоларини ҳимоя қилишлари лозим эканлиги тўғрисида масала қўйилиши ҳаққонийдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшма тузилмалари ишнинг ташкил этишга тайёрланаётганда манфаатлари ҳозирги кундаёқ ёлланма ходимларининг манфаатларига тўғри келмаётган иш берувчилар, бошқарувчилар, қорхоналар ҳақиқий эгалари ёки қорхона эгаси бўлишга қурбн етadиган кишиларнинг ташкилотлар таркибидан аста-секин чиқиб кетишлари муқаррарлигини аниқлаб олиш лозим. Аммо ушбу жараёнларни жадаллаштиришга сунъий туртки бериш мақсадга мувофиқ эмас, мазкур жараёнлар фақат ихтилофсиз негизда, тушунириш ишлари ўтказилганидан сўнг, иқтисодиётнинг бозор шароитида амал қилиш жаҳон тажрибасида қорхона эгалари, ҳокимият идоралари ва касаба уюшмалари каби қучлар ўзаро муносабатларининг

ўзини оқлаган андазаси ишлаб чиқилганлигини ҳамма тушуниб олгандан кейингина кечиши керак.

Ўзбекистон касаба уюшма ҳаракатини ривожлантириш Концепцияси меҳнатқашлар энг оммавий ташкилотларининг ташкилий тузилишига муҳим ўзгаришлар киритилишини назарда тутди. Касаба уюшмаларининг лаёқатли юксалиши, улар раҳбар тузилмаларининг нуфузи ва омит қорлиги ошиши таклиф қилинаётган ўзгаришлар мақсадга мувофиқлигининг бош мезони бўлиши лозим.

Шу мақсадда касаба уюшмалари асосий қуч-ҳаракатини, ижтимоий соҳада, меҳнат бозоридида ҳаётга татбиқ этиладиган тадбирларнинг ижтимоий экспертиза қилинишига; — ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва унинг оқибатларини, шунингдек, касаба уюшмаларининг улар ташкилий тузилмалари барча поғоналаридаги тегишли ҳаракатларини башорат қилишга;

меҳнатқашлар иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилашни кўзлайдиган аниқ талабли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга;

касаба уюшма ходимлари ва фаолларини замонавий савияда тайёрлаш ва ўқитишга, уларни ахборот билан таъминлашга қаратишлари зарур.

Оммавий жамоат ташкилоти сифатида касаба уюшмалари чуқур ички демократизмга эришмай олмайди. Мустақилликни ўз фаолиятининг таянч принципи деб эълон қилган Ўзбекистон касаба уюшмалари учун ушбу талаб икки ҳисса муҳимдир. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерализм шароитида яшамокда ва шу сабабли ўз аъзо ташкилотлари орасида ҳуқуқ ва ваколатларни аниқ белгилаш масалаларига айниқас пухта ёндашмоқлари лозим.

Марказ муҳимми ёки бошланғич ташкилотлар муҳимроқми, деган масаладаги баҳс қон тартибидан олинаятгани йўқ ва эрта-кечми лаёқатли Федерация деганлари «кучли қуйидагилар ва кучсиз юқоридагилар» эмас, балки барча поғоналардаги касаба уюшмаларининг бақувват ва нуфузли бўғинлари эканлигини ўзаро эътироф қилишга олиб келадиган кўринади.

Афтидан, марказ бошланғич ташкилотларга таянмай яшайдан ҳеч бир маъно йўқ, лекин марказ яшамаса, бошланғич ташкилотлар бошдан жудо бўлгандек аҳволга тушадилар. Уларнинг биргаликдаги собитқадам ҳаракат қобилияти йўқолади. Касаба уюшмаларида марказ билан чекка қучларининг тўғри нисбати республикада амал қиладиган касаба уюшма тизими яшаш учун ниҳоят муҳим эканлигига қолмоқда. Ушбу нисбат ўзгармай қола олмайди. У ҳокимият ҳозирги кунда меҳнатқашлар учун муҳим бўлган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни қай даражада ҳал этаётганига қараб ўзгарувчан бўла олиши даркор. Касаба уюшма тармок идораси муҳимми ёки ҳудудий идораси муҳимроқми, деган баҳсда ҳам принципиал мавқеда бўлиш шарт. Ҳаёт шунини исботладики, турли-туман вазифаларни ҳал этиши керак бўлган касаба уюшмаларига униси ҳам, буниси ҳам зарурдир, чунки ижтимоий муаммолар асосан ҳудудда, иқтисодийлари эса тармокда ҳал этилади.

Бошқача қилиб айтганда, касаба уюшма идораларининг тузилмаси бошланғич касаба уюшма ташкилотлари вазифаларидан келиб чиққан бўлиши керак, ўшбу вазифалар мазкур ташкилотнинг касаба уюшма аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши чинакамга зиммасига олишга тайёрлиги билан белгиланади. Бунда қуйидан юқорига ҳуқуқ ва ваколатларни ишониб бериб қўйиш принципи қатъийан риоя қилиниши шарт. Бундай ёндашув конкрет касаба уюшма аъзосини сўзда эмас, балки амалда умуман бутун касаба уюшма тузилмаси фаолияти рўёбга чиқилишининг марказига қўяди, касаба уюшмалари бутун ташкилий устқурмаси эса бошқарув, қонун чиқариш, ижроия ва суд ҳокимияти идораларида касаба уюшма аъзосининг манфаатларини пухта ҳимоя қилиш имконини бериши сайин ўзини оқлайдиган ҳисобланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси касаба уюшма ҳаракати Россия Федерацияси, Беларусь, Украинада, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзоси бўлган бошқа давлатларнинг бир қисмида рўй бераётган майдаланиш ва марказдан ажралиш жараёнларининг муайян таъсирини кўрмай қолмайди.

Янги касаба уюшма етакчиларининг авваллари фаолият юритган тузилмаларни ҳадеб қоралайверишларига танқидий қараб, шунинг ҳам эътиборда тутиш керакки, янги касаба уюшмалари меҳнатқашлар оммаси ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазаси қоралари камчилиги оқибатида, ушбу омманинг ўз ижтимоий-иқтисодий манфаатлари учун стихияли кураш тўлкинида пайдо бўлди, аввалгилари эса кутиб туриш мавқеида ва ташкилий қарор товиш босқичида эди.

Шуниси ҳоски, МДХнинг айрим давлатларида ташкил топган янги касаба уюшмалари давлат ижтимоий сўғуртасини бошқаришни даъво қиладиганлари йўқ, уни тубдан ислоҳ қилишни ёқлаб чиқмоқдалар, касаба уюшма яққа ҳуқмронлигини даъво қилмаётдилар. Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенция ва тавсияларининг тўла рўёбга чиқарилишидан манфаатдорлар, булар республикада мукобил касаба уюшма пайдо бўлиши эҳтимоли бўлган шароитда зарурий тажриба орттириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшма бирлашмалари сичковлик билан ўрганишига лойиқдир.

Бизнинг замонда касаба уюшма ташкилотининг молиявий имкониятларини, шунингдек у юридик шахс сифатида эга бўлган мулкни эътиборга олмай туриб, уни мустақил деб бўлмайди.

Маълумки, касаба уюшмаларининг иши касаба уюшмалари ва улар тузилмаларининг ўз ва биргаликдаги дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун ишлаб-қилинадиган шахсий аъзолик бадалларидан ҳосил бўладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Шу туфайли, шунингдек, республика касаба уюшмаларининг федерализм шароитида тўплаган фаолият тажрибасини ҳисобга олганда қуйидаги вазифа зарур кўринади: бошланғич ташкилот даражасида, касаба уюшма идораларининг ўрта ва юқори даражаларида оқилона равишда касаба уюшма бюджетини шакллантириб, сарфлашга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш даркор. Шаҳар, вилоят, республика доирасида меҳнатқашлар қатта гуруҳларининг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган ягона резерв фондлари шулар жумласидан бўлиши мумкин. Қонун-қондалар ишлаб чиқиш ишига мўлжаллаб жамланган маблағлар қонунлар ва қонун ҳужжатларининг мукобил лойиҳаларини, уларнинг рўёбга чиқарилиши воситаларини ишлаб чиқишга, меҳнатқашлар ҳуқуқ ва манфаатлари

(Давоми 3-бетда)

(Давоми. Боши-2-бетда)

муҳофазаси тармок ва тармоқларо дастурларини тайёрлаш ва амалга оширишга сарфланади.

Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши жараёни касаба уюшмалари ва уларнинг бирлашмалари манфаатларига бевосита ёки билвосита дахл қилади. Ҳозирги кунда қиймати анчагина ва шакли турли-туман бўлган кўчириб бўладиган ва кўчмас мол-мулк уларнинг мулкидир.

Ҳокимият ва бошқарув идоралари, ҳатто айрим касаба уюшма тузилмалари вазиятнинг мўтадил маромда эмаслигидан, мулк муносабатларини ҳуқуқий бошқариш номукамаллигидан фойдаланиб, ҳар қандай мулкни ўзбошимчаларча ўзлариники деб эълон қилишга уринаётган ҳозирги шароитда ушбу масали айниқса долзарб бўлиб келмоқда.

Касаба уюшмаларининг мулки касаба уюшма аъзолари тўлаган бадаллар, ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан, давлат ва хўжалик идоралари фойдаланишга ёки ижарага берган мол-мулкдан ҳосил бўлганлигини қўплат тушунмаётганлигини дастлабки шундай низоларнинг ўзбек кўрсатди.

Ҳуқуқий давлатда мулкнинг эгаси ўзгариши Қонунга мувофиқ равишда амалга ошириш шарт. Шу сабабли шунини эътироф қилиш керакки, мулкнинг касаба уюшма тузилмалари ҳисобидан вужудга келтирилмаган қисми олиб қўйилиши ва бошқа фойдаланувчига берилиши мумкин.

Шу билан биргаллик касаба уюшмаларининг мулки яхлитлигини сақлаш учун мулк эгаси ўзгариши масалалари ҳал этишда, Ўзбекистон касаба уюшмалари мол-мулк фонди тўғрисидаги Низом сўзсиз бажарилишида касаба уюшма тузилмаларининг бирлигини таъминлаш лозим.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ва уларнинг ягона маркази жамиятда ҳақиқий кучга айланиш учун ўз моддий ва молиявий ресурсларини қўпайтириб бориш, дадил равишда хилма-хил тижорий фаолият билан шуғулланиши керак, чет мамлакатлардаги аксарият касаба уюшма бирлашмалари худди шундай қилади. Касаба уюшма бюджетини тўлдириб, конкрет ижтимоий ва инсонпарварлик дастурларини амалга ошириш учун касаба уюшма ташкилотларининг тадбиркорлик ташаббусини, қонуний ва оқилона тижорий фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш даркор. Ушбу фаолият бевосита эмас, балки касаба уюшма пулларини корхона, муассаса ва ташкилотларнинг истикболли ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий дастурларига сарфлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Касаба уюшмаларининг ўзлари субъектларидан бири бўлиб қолаётган меҳнат бозорининг объектив талаблари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва касаба уюшмалари Марказий комитетларининг аъзоларидан тортиб барча касаба уюшма ходимларини кенг қўламли иқтисодий ва юридик ўқитиш заруритини келтириб чиқарди. Ушбу бозорда меҳнат ва ижтимоий муносабатларни самарали тарзда изга солиб боришлари учун улардан аввало чуқур билимдонлик талаб қилинади.

Ҳаётнинг ана шу талаблари туфайли касаба уюшма ходимлари ва фаолларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш тизими касаба уюшмалари фаолиятининг асосий шарт-шароитлари, вазифалари ва тактикасини белгилайдиган муаммоларни ҳар томонлама ўрганишга, яъни бозор муносабатлари, ижтимоий шерикчилик, трипартизм қарор топишига, жамоа музокаралари олиб бориш, битимлар тузиш, касаба уюшмаларининг оммавий ҳаракатларини ташкил этиш санъати ва ҳоказоларга таяниши лозим. Бунинг маъноси шуки, ўқув тизими кенг қамровли, мазмун жиҳатидан аниқ ва долзарб, вақт жиҳатидан нисбатан қисқа бўлиши керак.

Шундай қилиб, касаба уюшмаларининг ўз асосий вазифаларини бажаришда таъсирчанлигини оширишни ва янгилигини қўлайлигини истикболли сиёсат федерализм принциpidан, Федерация субъектларининг ўз фаолияти устивор йўналишларини белгилашдаги мустақиллиги, Федерация кенгашининг қарорлари ҳар бир касаба уюшма идорасининг ваколат доирасида бажарилишини таъминлаш кераклиги принципларидан воз кечишни аниқлаш керак, балки ижтимоий-иқтисодий соҳада меҳнатқашларни муҳофаза этиш ўзаро ҳаракатларини бирлаштири боришни, республика касаба уюшма ҳаракатининг ташкилий, молиявий ва бошқа концептуал йўналишларида ягона ёндашувларни ишлаб чиқишни назарда тутди. Шу билан бирга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тўғрисидаги Декларация ва Низомда илк бор баён этилган Федерация фаолиятининг аввал-бошдаги принциплари ва асосий йўналишлари жиддий ислоҳ қилиниши ва ичимизда тажриба тўплаш туфайли ҳамда чет мамлакатлардаги касаба уюшма марказлари тўплаган тажриба ҳисобига бойитилиши керак.

2. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА

Касаба уюшма ҳаракатини ривожлантириш жаҳон тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, касаба уюшмалари ҳуқуқий ижтимоий шерикчиликни, иш берувчилар, ёлланма ходимлар ва ҳокимият ўртасида ўзаро муносабатлар маданиятлик шакллари ўрнатилари орқалигина касаба уюшмаларининг ҳимоявий вазифалари мақбул тарзда амалга оша олади.

Меҳнат бозори, меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан, муносиб иш ҳақи билан, қўнғилдагидек меҳнат шароитлари билан таъминланиши бундай шерикчиликнинг асосий соҳасидир.

Касаба уюшмалари шерикчилик фаолиятининг шакл ва ширлари тадбиркорлар тутаётган йўлга ҳамда ҳуқуқатининг иқтисодий сиёсатига қатъиян қарши ҳаракат қилишдан тортиб уч томонлама комиссиялар доирасида самарали ўзаро алоқа ва ҳамкорлик қилишгача хилма-хил бўлиши мумкин. Жаҳон касаба уюшмалари амалиётида ушбу шакл ва ширлар қатор шарт-шароитларга кўра турли-туман бўлади, буларнинг сирасига касаба уюшмалари ўзларининг сиёсий қиёфаси, мазкур мамлакатда ёлланма меҳнат ходимлари тоифаси шаклланиши тарихий шароити ва шу тоифа ходимларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураш тажрибаси, мамлакатдаги тадбиркорлар қуввати, ҳуқуқатининг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати, мамлакат бошдан кечирётган иқтисодий шикл босқичи, муҳокама мавзуси ва бошқа омиллар кирад.

Ҳозирги кунда жамоа шартномаси ишлаб чиқаришда ходимнинг манфаатларини муҳофаза этишнинг бош воситаси бўлиб қолмоқда. Касаба уюшма ташкилоти меҳнат жамоаси номидан шундай шартнома тузар экан, ўз мавқени юксалтиради ҳамда меҳнат жамоасига муайян ижтимоий-иқтисодий, меҳнат кафолатларини таъминлаб бериш имкониятини рўёбга чиқаради.

Ушбу ҳужжат ҳар бир жамоа учун бажарилмаслиги, касаба уюшмаларининг тегишли ҳаракатини келтириб чиқарадиган ўзига хос қонуни бўлиб қолиши йўлида касаба уюшмалари ҳамма имкониятларини ишга солишлари керак.

Бундан ташқари, ходимлар муҳофазаси қўлаб масалалари бошқа даражаларда ҳам:

тармок тариф битимлари; касаба уюшма марказлари ижроия ҳокимият идоралари билан тузадиган ҳудудий битимлар;

Ўзбекистон касаба уюшмалари марказининг Вазирлар Маҳкамаси билан тузган бош битими орқали ҳам ҳал қилина бориши мумкин.

Касаба уюшмалари қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш фаолиятида, ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишда, ҳозирги ва кейинги ислохотлар дастурлари кенг ва ҳар томонлама экспертиза қилинишида, уларни рўёбга чиқариш аниқ чора-тадбирларини амалга оширишда мунтазам катнашиши ана шундай механизмнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоғи керак.

Қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш фаолиятидаги имкониятларни кенгайтириш тўғрисида гапириладиган бўлса, шунини таъкидлаш лозимки, касаба уюшмалари парламентга депутатларни сайлаш оммавий кампаниясида катнашишлари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият идоралари таркибига касаба уюшмаларининг вакиллари киритилишига эришиб боришлари зарур. Ушбу идораларда касаба уюшмаларининг ўз тарафдорларини шакллантириш ниятида собитқадам ҳаракат қилиш даркор.

Касаба уюшмаларининг муҳофаза вазифаларини рўёбга чиқариш чоралари рўйхатида иш ташлаш алоҳида ўрин тутди.

Кейинги пайтларда меҳнатқашлар иш ташлашларининг уларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашларидаги аҳамияти хусусида бир-бирига зид фикрлар пайдо бўлмоқда.

Биринчиси: иш ташлашлар ишчилар синфининг мулкдор билан ёлланма меҳнат ўртасидаги муносабатларда рўй берган инқирозни ҳал этиш усули сифатидаги ютуғидир.

Иккинчиси: иш ташлашлар охириги чора сифатида вайронгардир, уларнинг ҳеч қандай бунёдкорлик жиҳати йўқ. Улар жамият, минтақа, корхонага зарар келтиради, ҳолос.

Шуларга кўра, Ўзбекистон касаба уюшмалари тутган мавқе шундан иборатки, улар иш ташлашлардан мулкдорга тазйик ўтказиш усули сифатида фойдаланса бўлади, деб ҳисоблайдилар. Зеро, фукароларнинг иш берувчилар ва ёлланма ходимларга бўлиниши тобора кучайиб бораётганлиги муқаррар равишда уларнинг манфаатлари кутбланишига олиб бормоқда.

Шундай бўлса-да, ниятга эришишнинг музокаралар, мулоқот, ўзаро муроаа излаш, яраш комиссиялари тузиш, меҳнат ҳакамлиги ва ҳоказо қонуний имкониятлари туганган, уйдирма эмас, балки ҳақиқий юзук ҳамда бой беришлар баъшорат қилиниб бўлган тақдирдагина иш ташлашга жазм қилиш мумкин.

Касаба уюшмалари ҳокимият ва ижроия идоралари билан самарали мулоқотга эриша бориб, уларни доимо шунга инонтариб боришлари керакки, меҳнатқашларнинг тақлифлари ва иқтисодий талаблари қўриб чиқилмай қолаверса, пайсалга солинаверса, улар, одатда, сиёсий тус олиб кетади, бу эса Ўзбекистон учун ҳалоқатли бўлади, деган фикр ҳам тўғридир.

3. МУҲОФАЗА ВАЗИФАЛАРИНИ ТЎЛА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ

Меҳнат жамоасининг касаба уюшма ташкилоти ўз идоралари орқали меҳнатқашлар турли тоифаларининг муҳим манфаатларини ифода этиб ва ҳимоя қилиб, корхонада мулкнинг қайси шакли амал қилишига қараб тадбиркор (мулкдор) ёки меҳнат жамоаси тегишли қарорлар қабул қилишини қўзғалаган ҳолда фаоллик билан ўз таъсирини ўткази бориши керак. Касаба уюшмалари тармок, ҳудуд ва республика даражаларида ҳам ушбу принципга амал қилишлари лозим.

Бозорга ўтиш босқичида касаба уюшмалари муҳофаза вазифаларининг мазмуни қандай?

Биринчидан, булар иқтисодиёт давлат тасарруфидан чиқарилаётган мулкнинг янги шакллари жорий қилинаётган, корхоналар хусусийлаштирилаётган, акциядорлар жамиятлари, бошқа хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлари вужудга келаётган шароитда меҳнатқашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Иқтисодиётнинг қўп уқладлилиги ва мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ёқлаб чиқар эканлар, касаба уюшмалари катта ва ўрта ишлаб чиқаришлар асосан акциядорлик корхонаси сифатида ривожланаётгани эътиборга олиб, жамоа мулкни афзал кўрмоқдалар. Майда корхоналарга келганда, бу корхоналарни уларда ишлайдиган меҳнат жамоаларининг аъзолари ҳам, айрим фукаролар ҳам сотиб олишлари мумкин бўлади.

Касаба уюшмалари иқтисодиёт давлат тасарруфидан чиқарилиши жараёни тугаллангандан кейин ҳам давлат етакчи тармоқларни ўз қўлида сақлаб, улардаги акциялар контрол пакетига эга бўлиб қолиши керак, деб ҳисобламоқдалар. Бундан ташқари касаба уюшмалари молия-қарз тизимини, солиқларни, бошқа иқтисодий чораларни қўллаш йўли билан хўжалик тузилмаларига тенг имкониятларни яратиб берадиган давлат сиёсатини қўлаб-қувватлайдилар, бундай қилиниши жамиятда қучли ижтимоий сиёсат юритилиши кафолати бўлиб хизмат қилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни навбатдаги дабдабозликка айланиб қолмаслиги учун касаба уюшмалари бошқарувининг барча погоналарида мулкни ажратиш бўйича ҳокимият идоралари ва касаба уюшмалари катнашадиган комиссиялар ёки бошқа тузилмалар ташкил этишни ёқлаб чиқмоқдалар.

Иккинчидан, муҳофаза вазифаларининг мазмуни касаба уюшмаларининг амалда аҳоли ишга лаёқатли қисми мумкин кин қадар иш билан таъминланишига интилишлари, кадрлар масалалари ҳал қилинаётганда меҳнатқашларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари, вақтинча ишсиз қолган ходимларга зарурий ёрдам кўрсатилиши устидан назорат қилишларидан иборатдир.

Учинчидан, бу ходимларнинг барча тоифалари меҳнатга бозор қиймати бўйича ҳақ тўлаш талабларини олдинга суриш, иш билан таъминланганлик конкрат шароитларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча моддий рағбатлантиришни ташкил этиш устидан назорат қилиб боришдан иборат.

Меҳнат қилишдан манфаатдорликни ошириш мақсадида касаба уюшмалари меҳнатга ҳақ тўлашни ислоҳ қилишнинг қуйидаги принципларини ҳимоя қиладилар:

иш ҳақини тармоқлар бўйича табақалаштириб, меҳнат шароитлари ва касблар хусусиятига қараб шакллантириш; шахс оладиган иш ҳақининг юқори даражасини чегараламай, уни солиқ солиш, нарх ва маҳсулот таннархи билангина тартибга солиш;

корхоналарни иш ҳақи харажатлари ошганлигининг ўрнини қоплаш мақсадида нархларни кўтариб юбориш имкониятидан маҳрум этиш учун маҳсулот рентабеллиги энг юқори даражасини чеклаш;

нархлар ўзгариши ва ҳар чорак йилда иш ҳақи индексациялашини ҳисобга олган ҳолда энг кам истеъмол бюджетни микдорига мувофиқ равишда энг кам иш ҳақи меъёрини белгилаш.

Иш ҳақини тартибга солишдаги тариф тизимининг аҳамияти тўғрисида бир қанча фикр мавжуд.

Касаба уюшмаларининг тутган мавқеи тўғрисида бўлувчи жиҳатларини олиб ташлаб, тариф тизимини сақлаб қолишдан иборат. Тармок, ишлаб чиқариш тури, технологиядаги фарқлар ва бошқа омиллардан қатъи назар, бир хил мураккабликдаги ишларда тариф ставкалари (маошлар) ҳисобига тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўланишини таъминлаш лозим. Амалда ушбу вазифа ишчи ва хизматчиларнинг барча тоифаларини қамрайдиган ягона тариф сеткаси (жадвали)ни ишлаб чиқиш, шунингдек, меҳнатни нормалашни тақомиллаштириш йўли билан ҳал қилиниши мумкин.

Давлатнинг меҳнатга ҳақ тўлашга аралашуви бевосита эмас, билвосита тусда ва ижтимоий-кафолатли (энг кам истеъмол бюджетини баҳолаш, ягона гарантиялар — зарарлик учун, тунги вақтда ишлаганлик, ишдан ташқари пайтда меҳнат қилганлик учун бўриш ҳақ тайнлаш ва ҳоказо) характерда бўлиши керак. Бизнингча, тариф тизимининг асосий кўрсаткичларини тайнлаш ҳуқуқига эга бўлган корхона меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишда бош бўлиб қолиши даркор.

Бюджетдан таъминланадиган ташкилотларда меҳнат ҳақи тариф битимига мувофиқ равишда, тармок хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишчи кучи чин қийматини эътиборга олиш асосида тўланиши лозим. Касаба уюшмаларининг фикрича, меҳнатга ҳақ тўлашнинг бундай тартиби мулкнинг шаклларида қатъи назар барча корхоналарда, шу жумладан, колхоз, кооператив ва ҳоказоларда қўлланилиши керак.

Тўртинчидан, муҳофаза вазифаларининг мазмуни ҳар бир меҳнатнинг хавфсиз шароитда меҳнат қилиш, соғлигини сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишида касаба уюшмалари фаол катнашишидан;

Бешинчидан, меҳнат лаёқати чекланган кишиларни ижтимоий қувватлаш, уларга зарурий ёрдам бериш, давлат кафолатлари амалга оширилиши устидан назорат қилиб боришдан;

Олтинчидан, касаба уюшма ташкилотларининг мулкдан тижорат асосида фойдаланиш йўли билан касаба уюшма аъзоларига қўшимча имтиёзлар бериш ва хизматлар кўрсатишдан иборат.

Юқорида баён қилинган касаба уюшмалари ҳимоявий фаолияти йўналишларини энг муҳимлари деб ҳисоблаймиз, лекин уларга ҳозирги пайт хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгаришлар киритилиши мумкин. Энг асосийси, касаба уюшмалари ҳозирги кунда оғиздан тушмаётган «меҳнатқашлар манфаатлари муҳофазаси» деган сўз бирқисминини қандай тушунишларини аниқлаб олмақ зарур. Умуман олганда гап, афтидан, мулкка, фойдани тақсимлаш ва меҳнат ҳақиға, аҳолини иш билан таъминлашни ташкил этишга, меҳнат қилишнинг зарурий шарт-шароитларини яратиб беришга оид масалалар юзасидан шундай қарорлар қабул қилиниши устида бориши керакки, ёлланиб ишлайдиганларнинг аксарияти булардан рози бўлсин. Касаба уюшмалари меҳнат жамоалари номидан зиммаларига муҳофаза вазифаларини олар эканлар, демак, конкрет ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал қилинишида уларга меҳнатқашларнинг бошқа ваколатли идоралари, иш берувчиларнинг бирлашмалари ва давлат идоралари муҳолиф бўлиб чиқишлари мумкин. Бинобарин, меҳнат соҳасида мақбул ечимлар ижтимоий шерикчилик асосидагина изланиши мумкин кўринади.

Юқорида баён қилинганларни эътиборга олиб, касаба уюшмаларининг муҳофаза вазифаларини рўёбга чиқариш самарали воситаларини шакллантириш жараёнини қуйидаги талабларга бўйсундириш мақсадга мувофиқ бўлур эди: касаба уюшмалари ахборотнинг «қуйидан», яъни меҳнатқашлардан ва «юқоридан», яъни маъмуриятдан келувчи иккита асосий оқимини аниқлаш, ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишнинг пухта тизимини вужудга келтиришга интилишлари, ушбу мақсадда мустақил экспертизадан, касаба уюшма томонидан ҳақ тўланадиган мутахассислар хизматларидан кенг фойдаланишлари керак;

касаба уюшмаларининг қонуни чиқарувчи билан бўладиган муносабатлари самарали ва доимий тусда бўлиши даркор, бу эса жамият ҳар бир аъзоси ижтимоий муҳофазаланганлик зарурий даражасини таъминлаш ва ўз вақтида меҳнатга оид қонуларни бозор иқтисодиёти ривожланишининг ижобий йўналишларига мувофиқлаштириб бориш имконини беради;

касаба уюшмаларининг ижроия ҳокимият идоралари ва тадбиркорлар ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари асосан шартномавий негизда юритилиши, бунда жамоа шартномалари, битимлар тузиш корхона, тармок, ҳудуд даражасида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий бошқаришнинг бош усулига айланиб қолиши лозим;

касаба уюшмалари ҳудудий кенгашлари ва тармок комитетлари тизими сифатида таркиб топган касаба уюшма тузилмаси барбод қилинмаслиги, балки тубдан қайта қурилиши керак, шу боис бошланғич касаба уюшма ташкилотлари рўйхатдаги касаба уюшма ходимларини сақлашнинг эътиборга олиниши керак, балки биринчи навбатда бажарилишидан ўзлари бевосита манфаатдор бўлган аниқ дастурларни мақсадли тарзда маънаб билан таъминлашлари зарур.

Қўлаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш сиёсий қучлар жойлашувиға боғлиқлиги туфайли касаба уюшмалари жамиятнинг сиёсий ҳаётига фаолроқ таъсир эта бориши, халқнинг, меҳнатқашлар оммасининг ишончини

(Давоми 4-бетда)

(Давоми. Боши 2-3-бетларда)

кўпроқ қозона олган партиялар ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро-муносабатларини ривожлантириши ва мустахкамлаши лозим.

Ишсизликка қарши кураш ижтимоий дастурий алоҳида таъкидлаш даркор. Ушбу дастур аҳолини иш билан таъминлаш кўламдор сиёсатининг илк қадами бўлиши керак. Давлат, қасаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг ишсизликнинг олдини олишга қаратилган турли чора-тадбирлар кўриш борасидаги биргаликдаги ҳаракатлари давом эттирилиши зарур.

Қасаба уюшмаларининг аҳолини иш билан таъминлаш масалалари борасидаги фаолият дастурига қуйидагилар киритилиши мумкин:

энг кам иш ҳақи меъёрини белгилаш; аёллар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда тенглик; аҳолини иш билан таъминлаш бошқариш ва пазорат қилиш ягона тизимини ишлаб чиқишда қатнашиш;

бўш иш ўринлари албатта рўйхатга олиншини, иш ўринларини рўйхатга олишдан бекитганлик учун жазо чоралари қўлланилишини жорий этиш;

мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлири битирувчиларини ишга жойлаштириш учун иш ўринлари сақлаб қўйилишини таъминлаш;

қасбларга ўқитиб-ўргатиш ва қайта тайёрлаш концепциясини ишлаб чиқиш;

қасаба уюшмаларининг иш ҳақи ва иш билан таъминлаш шарт-шароитлари масалалари бўйича бемалол музокара-лар олиб боришлари чекланишига йўл қўймаслик (Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 98, 135, 154-сон Конвенциялари);

эришилган битимлар бажарилишини таъминлайдиган мақсаддор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тақлифлар киритиш;

минтақа, тармоқ, корхона ва ташкилотлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол юзасидан тариф битимлари ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқишда керак бўладиган ахборотни олиш ҳуқуқи;

қасаба уюшма вакилларининг тармоқ тариф битимларини тайёрлаш ва тузиш комиссияларида қатнашиш.

Аҳолини иш билан таъминлаш фондини бошқаришда қасаба уюшмалари қатнашиши муаммосини алоҳида қайд этиш, республика, минтақа ва тармоқ қасаба уюшма идоралари билан келишув ва тўла ихтиёрийлик асосида ушбу фондга молиявий ажратмалар даражаларини пухта ишлаб чиқиш керак.

4. ИЖТИМОЙ СУГУРТА ВА МЕХНАТКАШЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ

Ҳозирги пайтда қасаба уюшма ҳаракатидаги кескинликнинг сабабларидан бири айрим тармоқ қасаба уюшмаларининг Ўзбекистон ижтимоий сугурта бюджетини бошқариш муаммоларига турлича ёндашаётганлигидadır.

Унинг сарф моддалари ва тўловлари қонунларда кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилганлигини ўзбошимчалик билан ўзгартириши унинг ҳодисалари қасаба уюшмаларининг ушбу бюджетни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши шарт-шароитларини вужудга келтиради.

Қасаба уюшмалари ижтимоий сугурта бюджетини бошқариш келгусида ислох қилиниши эҳтимолини рад этмаган ҳолда шунга ишонадиларки, бозор муносабатларига ўтиш даврида, аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб бораётган шароитда инкироз вазиятида меҳнаткашлар ва улар оила аъзолари санатория ва курортларда даволаниши ҳамда дам олиши ишлаб турган тизимларини қўллаб-қувватлаш имконини берувчи амал қилаётган ижтимоий сугурта тизимини сақлаб қолиш, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари аксарияти ёпилиб қолишига йўл қўймаслик даркор.

Кейинги пайтларда давлат бошқарув идораларининг айрим раҳбарлари давлат ижтимоий сугуртаси бюджетни маблағлари қасаба уюшмаларининг тасарруфидан олиб қўйлажаги тўғрисида тез-тез баёнотлар берадиган бўлиб қолдилар.

Жумладан, агар қасаба уюшмаларида ҳуқуқий инспекциялар ва бошқа ҳуқуқий тузилмалар сақлаб қолинмаса, меҳнаткаш инсон ҳуқуқини муҳофаза қилиш идораларига рўпара бўлиб қолади, зеро, бозор шароитларида қасаба уюшмасининг аъзоси бўлмаган ҳуқуқшуносларни ёллаб, катта пул тўлашга унинг қурбн етмайди. Мухими эса шундаки, меҳнаткашлар ёлловчиларнинг ўзбошимчалигидан химоялана олмайдиган бўлиб қоладилар.

Назаримизда, қасаба уюшмалари ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини чинакамга химоя қилувчи бўлиши истасалар, ҳақо давлат ижтимоий сугуртаси бюджетини бошқариш давлатга берилмаган бўлса ҳам қасаба уюшмаларига мазкур инспекциялар ва ишончли ҳақимларни сақлаш учун керакли маблағ улуши қолдирилишига эриша боришлари ёки қасаба уюшма бюджетига маблағ ажратилиш меъёрларини кўриб чиқишлари лозим.

5. ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА МЕХНАТКАШЛАР МАЪНАВИЙ ТАЛАБЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

Таркиб топаётган бозор муносабатлари шароитида меҳнат жамоалари ҳордик чиқаришни ташкил этиш, халқ хаваскорлик ижодини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг маънавий ва жисмоний эҳтиёжларини қондиришни кўзлаб ниҳайти тўплаган бўлсалар, ҳаммаси барбод бўлиши жараёни тўбора кучаймоқда. Уларнинг ҳаёти борган сайин фақат ишлаб чиқариш ишлари билан чегараланиб қолмоқда. Вадий ва техника хаваскорлик ижоди тўғрараклари тарқалиб кетмоқда, болалар ва ўсмирлар клублари, кутубхоналар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ёпилиб қолмоқда.

Маънавий меросимиз, миллий маданият, халқ сайёбати тақдирига, болаларимиз келажатига, яъни давлат тузилма-

лари шугулланишлари лозим бўлган муаммолар ҳал этилишига меҳнат жамоалари, қасаба уюшма ташкилотлари бефарқ бўла олмасликларини эътиборга олиб, қасаба уюшмалари ҳозирги вақтда қасаба уюшмаларининг тасарруфидан бўлган маданият, спорт ва бошқаларни соғломлаштириш соҳасини бошқариш ва сақлашда маҳаллий Кенгашлар иштироки даражаси аста-секин, лекин оғишмай ошиб боришига эришишни ўз вазифалари деб билмоқдалар. Қасаба уюшмалари ушбу соҳага маҳаллий Кенгашлар бюджетидан маблағ ажратилиши даражасига таъсир этишлари, маданият ва спорт муассасаларига солиқ соҳасида имтиёзлар берилиши ва тўловлар бекор қилинишига, уларни ривожлантириш йўлида фойданинг бир қисмини сарфлаётган корхоналарга ҳам имтиёзлар берилишига эришиб боришлари шарт.

Иккинчи томондан, ҳар бир конкрет меҳнат жамоасининг фикрини эътиборга олган ҳолда ва унинг ижтимоий буюртмаси асосида қасаба уюшма комитетлари ҳужалик идоралари ва маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда шерикчилик негизида маданият ва спорт муассасаларини маблағ билан таъминлашда қатнашадилар.

Бизнингча, бундай ёндашув кўп йиллар мобайнида қасаба уюшмаларининг маблағлари сарфланб келган маданият ва спорт моддий негизини сақлабгина қолмай, балки уни мустахкамлаш, бинобарин, меҳнаткашлар маънавий ва жисмоний ривожланиши учун зарурий шарт-шароит яратиб имконини ҳам беради.

6. ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР — ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК КАЛИТИ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари жаҳон қасаба уюшма ҳаракатида ўзаро муносабатларнинг синфий принципларидан умуминсоний принципларига ўта бориб, айни пайтда ўз байналмилал алоқаларнинг янги «жуғрофия»сини ҳам белгилаб олмоқдалар.

Ушбу алоқалар тобора амалий тус олиб бормоқда.

Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг етакчилари қасаба уюшмалари умумий конфедерациясини ислох қилиб халқаро бирлашмага айлантириш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекдилар, унинг доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги меҳнаткашларининг асосий ҳуқуқ ва қаролатлари ҳартияси, Ҳамдўстлик аъзоси бўлган давлатлар ўртасида (қайси миллатга мансублик ва МДХнинг у ёки бу ҳудудида яшаётган вақтидан қатъи назар) аҳолининг иш билан таъминланиши соҳасидаги қаролатлар юзасидан, қочоқлар ва кўчиб ўтувчилар муаммолари бўйича, шунингдек, бутун Ҳамдўстлик учун долзарб бўлган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сингари масала юзасидан битимлар тузиш тайёрланганлиги бормоқда.

Ҳамдўстликдаги бошқа мустақил давлатлардаги қасаба уюшмалари каби Ўзбекистон қасаба уюшмалари ҳам уларнинг тармоқлари ва ҳудудлари ўртасида келишилган турмуш даражаси ва аввало иш ҳақи, тариф битимлари масалалари, ижтимоий аҳамияти бошқа муаммоларга доир ҳаракатларни амалга ошириб боришлари принципиал муҳимдир.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси собиқ Иттифоқ республикалари иқтисодиётларининг бирлигини, шу туфайли эса ёлланма меҳнат аҳли ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларининг муштараклигини эътироф этиб, Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистон қасаба уюшмалари билан ҳамкорлик тўғрисида кўп томонлама битим, Украина билан икки томонлама битим тузди. Яқин орада Беларусь, Россия Федерацияси билан, собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари билан шундай шартномалар тузиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузли ихтисослашган ташкилотлари, Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан амалий алоқалар ўрнатиб керак. Меҳнат битимларига оид Ўзбекистон қонунлари барча эътироф этган жаҳон меъёрлари ва стандартларига мос келишидан биз манфаатдормиз.

Ратификация қилинган халқаро конвенциялар ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти тавсияларининг бажарилишини ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқиш ва янгиларини ратификация қилиш учун далил-исботли тақлифлар тайёрлаш керак. Барча қасаба уюшма ташкилотлари ХМТнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари, ратификация қилинган халқаро конвенциялар ва тавсияларнинг мазмуни билан таништирилиши шарт.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари ХМТ билан самарали ҳамкорлик қилиши чет эл қасаба уюшмалари билан алоқа ва ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий масалалар бобида тутаётган мавқеаларини мувофиқлаштириш ва, ниҳоят, ХМТ кўмағидан қасаба уюшма ходимларини тайёрлаш мақсадида фойдаланиш учун катта имкониятлар яратиб беради.

АСОСИЙ ТАҚЛИФ ВА ХУЛОСАЛАР

Тақлиф этилаётган Ўзбекистон қасаба уюшма ҳаракати Концепцияси қасаба уюшмалари ходимлар билан давлат ҳокимияти ўртасидаги боғловчи бўгин, ишлаб чиқариш бошқарувининг бевосита қатнашиши вазифаларини тармоқ ҳамда ҳудуд даражасида ўзларидан соқит қилишларига асосланади. Қасаба уюшмалари қонун ҳамда халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида меҳнаткашлар муҳофазаси йўлида ҳаракат қилувчи мустақил жамоат тузилмасига айланади. Ушбу фаолиятнинг ҳаракатлантирувчи бонси меҳнаткашларнинг ижтимоий-қасб манфаатида, меҳнатдан фойдаланиши ва ишчи кучи тўлдирилиши билан, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ манфаатдadir.

Шуни таҳмин қилиш мумкинки, ижтимоий-иқтисодий вазият узоқ муддатга маромли изга тушса, қасаба уюшмалари тутадиган мавқе муҳолифликдан кўра кўпроқ амалий тус олади, қасаба уюшмаларининг ўзлари эса ҳуқуқат сиёсати-

нинг мустақил жамоатчи эксперти бўлиб ҳаракат қила оладиган бўлади.

«Узатма тасма» («приводной ремень») вазифасидан воз кечилгач, қасаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ва бутун жаҳият олдиди маъсулиятни сусаймади, балки ошиб боради. Қасаба уюшмалари ҳуқуқатга нисбатан мустақил сиёсат юритиб, айни чоғда пуч талаблар қўйиш йўлига ўтиб кетмасликлари керак.

Қасаба уюшмалари етарлича омилкор бўлишлари, токи мураккаб ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни ҳал этиш аниқ йўл ва усулларини тақлиф эта олишлари лозим. Қасаба уюшма дастурларида яқин орада гоят ўткир ижтимоий муаммога айланиб қолиши мумкин бўлган аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси алоҳида ўрин тутиши шарт.

Партиялардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон қасаба уюшмалари сиёсий ҳокимиятни даъво қилмайдилар. Лекин улар меҳнаткашларнинг ижтимоий аҳволи кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган мавжуд ҳокимиятга бефарқ қарай олмайдилар. Қасаба уюшмалари барча даражалардаги сиёсий ҳокимият тузилмаларига таъсир ўтказиш, ижрония ҳокимият билан тенг ҳуқуқли мулоқотда бўлиш чин воситаларига эга бўлиши зарур.

Қасаба уюшмалари вазифалари — ижтимоий ҳаётнинг турли поғоналари (корхоналар, уюшмалар, концернлар, ҳуқуқат, парламент) да ўз манфаатини рўёбга чиқаришнинг энг самарали йўлларини асослаш, устивор ижтимоий-қасб манфаатларини аниқлаш. Турли қасб ва ижтимоий гуруҳларнинг ушбу манфаатлари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Булар бирлаштирилса, тармоқлар, минтақалар ва Федерация даражасида умумийроқ манфаатларни шакллантирса бўлади.

Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ошиб бораётган инкирозли ҳодисалар ишлаб чиқаришда меҳнат ва аτροφ муҳит муҳофазаси масалаларини ҳал этишга эътиборни кескин пасайтириб юборди, бу эса ҳозирдаёқ кўп ҳолларда ишлаб чиқаришда шикастланишлар, қасб ва ишлаб чиқариш туфайли қасалланишлар ошишига, бинобарин, катта моддий ва маънавий талафотларга олиб келди. Бундай шароитда қасаба уюшмалари ўз ҳаракатларида:

меҳнат ва аτροφ муҳит борасида янги иқтисодий муносабатларга монанд қонун чиқарувчилик ва меъёрий негизлар ишлаб чиқиши ва тасдиқлашига эриша боришлари; ўзларининг меҳнат ва аτροφ муҳит муҳофазасига оид талабларини барча поғоналардаги ижрония ҳокимият ва ҳужалик бошқаруви идоралари кўриб чиқишлари ва рўёбга чиқаришларини талаб қилишлари;

бошлангич қасаба уюшма ташкилотларида ишловчиларнинг меҳнат шароити ва муҳофазаси эришилган даражаси пасайишига йўл қўймасликни кўзлаб, меҳнат муҳофазасига оид қонунларга амал қилиниши устидан назоратни кучайтиришлари керак.

Давлат ижтимоий сугуртаси бюджетини бошқаришнинг ақали ўтиш даври мобайнида қасаба уюшмалари тасарруфидан сақлаб қолиш лозим, чунки айни уларнинг ҳаракатлари билан вужудга келган тизим ҳозирги вақтда меҳнаткашларнинг манфаатларига монандлик имкониятини тўлатуки ярата олади.

Меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзолари санатория ва курортларда даволанишлари ва дам олишларини ташкил этишни ҳам қасаба уюшмаларининг тасарруфидан қолдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шу мақсадларга ва қасаба уюшмалари амалга ошираётган соғломлаштиришга доир бошқа тадбирларга маблағлар шартномавий асосда ижтимоий сугурта фондидан ўтказилиши мумкин бўлур эди.

Қасаба уюшмаларининг ташкилий тузилиши уларнинг меҳнаткашлар ижтимоий-қасб манфаатларини ифодалаш, рўёбга чиқариш ва химоя қилишдан иборат асосий вазифаларига тамоман мос бўлиши даркор.

Меҳнаткашлар қасаба уюшмаларига бемалол бирлаша олишлари — қасаба уюшма сафларининг беихтиёр, мажбур остидан эмас, балки меҳнаткашлар айрим гуруҳлари уларнинг бошқа гуруҳларини оғли қўллаб-қувватлашлари туфайли вужудга келадиган бирлигини мустахкамлашнинг энг ишончли воситасидир. Шу сабабли уюшмалар қўлдан-қўлига уларнинг федерацияларга ва бошқа тузилмаларга бемалол бирлашишларини такозо этади. Булар тармоқ ва ҳудудий тузилмалар бўлиши мумкин. Ҳар қандай бирлашмада қарорлар қабул қилишнинг демократик принципларидан фойдаланилиши керак.

Қасаба уюшмалари ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш масаласи билан бевосита боғлиқ бўлган қасаба уюшмалари иши самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳаракат стратегиясини белгилаб олиш учун бошлангич қасаба уюшма ташкилотлари билан уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи идоралар ўртасида ахборот алмашишни аниқ тизимини пухта ўйлаб ишлаб чиқиш ҳам зарур.

Чет мамлакатлар қасаба уюшма марказларининг кучи кўп жиҳатдан уларнинг моддий имкониятлари билан белгиланади. Маблағларни қуйи ташкилотларга соқиб юбориш эмас, балки марказлаштириш уларга давлат тузилмаларчи ҳисоблашишга мажбур бўладиган жиддий ҳаракатлар соқиб қилиш имконини беради. Шунга кўра бизнинг қасаба уюшмаларимиз учун ҳам барча поғоналардаги қасаба уюшмаларини маблағ билан таъминлаш тизимини ўзгартириш масаласи долзарб масалага айланиб қолмоқда.

Ҳозирги тарихий пайтнинг хусусияти шундан иборатки, меҳнаткашлар барча қатламлари тез сиёсатга берилдиган бўлиб қолмоқда. Жамоат ҳаракатлари ривожланмоқда, кўлаб сиёсий партиялар пайдо бўлмоқда. Қасаба уюшмалари қандай мулк, қандай ишлаб чиқариш бошқаруви, қандай ҳокимият тузилишини ёқлаб чиқишларига оид мураккаб масалаларни ўзлари учун ҳал этиб олишлари лозим. Улар ўзларининг ижтимоий-сиёсий ҳаракатлари ва партияларга, уларнинг дастурларига қандай муносабатда бўлишларини аниқ белгилаб олишлари зарур. Акс ҳолда меҳнаткашлар орасида обрў қозонишлари, омманнинг ишончи ва мададига эришишлари, унинг манфаатларини оғли равишда ифодалашлари ва химоя қилишларининг иложи бўлмайди.


БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

НАМАНГАН вилояти қасаба уюшмалари кенгашида қариялар қуни муносабати билан бир пиёла чой устида давра йиғилиши бўлди. Йиғилишни вилоят кенгаши раиси Х. Д. Абдурахимов очди. Бозор иқтисодиёти муносабати билан келиб чиққан тақчиллик туфайли кам даромадли оилалар ва нафақа олувчиларни моддий химоя қилиш бўйича вилоятда қилинаётган ишлар диққатга сазовордир. Йиғилишга тўпланган кексалардан 54 ки-

шининг ҳар бирига 1000 сўмдан хайрия уланишиди. Бундан буюн ҳар ойда улардан 10 кишига курорт ва санаторийларга бориб саломатликларини тиклаш учун ўнтадан йўллаб қасаба кенгаши ҳисобидан бевул берилдиган бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов қатнашди ва нутқ сўзлади. Б. А. Алламуродов Наманганда бўлганида вилоят районларига сафар қилиб, ҳужалиқлар

раҳбарлари билан суҳбатлашди. Дала меҳнаткашларига яратиб берилган шароитлар, фуқароларни ижтимоий химоялаш масалаларини билан қизиқди. Вилоятдаги муҳим қурилиш объектларида бўлди. Сафар чоғида унга Наманган вилояти ҳокими Б. Рафигалиев, қасаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Х. Д. Абдурахимов ҳамроҳ бўлдилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ



— Эшпўлат Сувонович, мана, бир неча йил давом этган кетма-кет тажрибалардан сўнг бозор иқтисодиётига етиб ҳам келдик. Ночор жамиятнинг бозор иқтисодига ўтиши оғир кечади. Ҳозирги аҳвол касаба уюшмалари фаолиятида қандай акс этмоқда?

— Иқтисодий қийинчиликлар тобора кучайиб бораётганлигидан кўз юмолмаймиз. Яхши ниятлар билан бошланган қайта қуриш бамисоли мудроқ жамиятни силкилаб тараққиёт сари ундагандек бўлди. Лекин биз олдинга эмас, аксинча ортага кета бошладик, узок сафарга эски аравада чиқиб бўлмас экан. Буёғи ҳаммамизга маълум: халқ истеъмоли моллари етишмаслиги, нарх-навонинг ошиши...

Эскидан қолган «бир ёмоннинг бир яхши томони бор», деган гап ёдимга тушди. Шу орада биз халқимизнинг закий ва фидойи фарзандлари орзу қилиб, умр бўйи курашиб келган неъматга — мустақилликка эга бўлдик.

Шу кунларни кўрганлигимиз учун ҳам ўзимизни бахтли санашимиз керак. Тўғри, мустақиллик бизнинг рўзғоримизга ортикча бир қоп шакар бермайдиган хали, етишмовчиликлар ва муаммолар билан кунларимиз лиммо-лим, тўғри, орзуларимизнинг кўпи хали орзулигича қолмоқда. Оғир иқтисодий шароит одамларни гангитиб қўйган.

Тан олишимиз керакки, биз кўп жихатдан мустақилликни химоя қилишда аввало фикрлаш тарзимизнинг саёзлиги яққол кўринмоқда. Уни факатгина ижтимоий фаоллигимиз, меҳнатимиз, қолаверса, республикамизда тўқинчилик ярата олишимиз билан мустақамлашимиз мумкин. Шу билан бирга бизни эртаимизга ишонч, ватан қайғуси тарқатмаслиги керак. Аввало биз юртдошларимиз қалбида кураш ва келажакка умид туйғуларини тарбиялашимиз лозим, деб ўйлайман.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб боқувчисиз қолган ва кам таъминланган оидаларга ёрдам кўрсатиш тадбирларини ишлаб чиққан. Шундай оидаларга Китоб районидан 30 минг, Шахрисабз районидан 70 минг, Яққабоб районидан 50 минг сўм ёрдам тариқасида берилди. Бундай иқтисодий ёрдам бошқа районларда ҳам амалга ошириляпти. Бу йилги баҳор сарёғин, серташвиш келди. Яққабоб ва Шахрисабз районларида сел тошқини туфайли хўжаликлар, оидалар талафот кўришди. Қийин аҳволда қолган кишиларга касаба уюшмаларимиз томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

— Ҳозирда санаторийларда дам олишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Йўлланмалар нархи кўтарилиб кетди. Меҳнат аҳлига бу борада енгилликлар борми?

— Кўмитамиз бир йилда 60—70 миллион сўмлик йўлланмалар таркатади. Ҳа, бу катта рақам, албатта. Вилоятда ўзимизга қарашли профи-

латорийлар ҳам ишлаб турибди. Усмонов Юсупов райони таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси, Яққабоб пахта заводи, Тошкент ирригация ва кишлок хўжалик инженерлари тайёрлаш институти Қарши филиалига қарашли профилакторийлар, район агросаноат бирлашмасига қарашли «Майманок» профилакторийсида кишлок меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, Чирокчи районидан Ф. Хўжаев номи давлат хўжалиги худудидан ҳам шифобахш сув манбаи топилди. Бу ерда профилакторий қурилади, ҳозиргача юз минг сўмлик тупроқ ишлари бажарилди. Юқорида санаб ўтилган шифо-

миз ўқув юртларида талабаларнинг яшаш шароитлари зудлик билан ўрганиб чиқилди. Етоқхоналар, талабалар ошхоналаридаги камчиликлар муҳокама қилинди, аҳволни яхшилаш учун тадбирлар белгиланди. Ҳозир талабаларнинг яшаш шароитлари, ошхоналарнинг кўнгилдагидек ишлаши назорат қилиб борилмоқда. Спортни ривожлантириш ёшлар билан ишлаш борасидаги энг яхши йўлдир. Билим юртлари ўртасида ҳар хил спорт мусобақалари, вилоят спартакиадалари мунтазам равишда ўтказиб келинаёпти. «Пахтакор» кўнгилли жамияти томонидан уюштирилаётган спорт мусобақаларида талабалар



ИШЛАРИМИЗ УМУММАНФААТГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

ҚАРАМА-қаршиликларга ва муаммоларга тўла ҳозирги ҳаётимиз биздан ўтмишдаги кўрғазмабозлик, мутелиқдан тезроқ воз кечишимизни, оқилна фаол ҳаракат билан ҳар томонлама қуриш турган иқтисодий ва маънавий бўҳронлардан қўтилишга йўл топишимизни талаб қилаётир. Бундай шароитда касаба уюшмалари ҳам мустақам мавқега эга бўлиши, ўзининг ҳақ сўзини айта олиши лозим. Мухбиримиз Қашқадарг вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Эшпўлат СУВОНОВ билан касаба уюшмаларининг бу борадаги фаолияти ҳақида суҳбатлашди.

масқанларнинг ҳаммаси 50 ўринли бўлиб, келажакда кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Вилоятимиздаги «Бешкент» санаторийсини республикамизда ҳам яхши билишади. Ҳаракат аъзолари, бўғин касалликлари билан оғирган кишилар бу ердан ўз дардларига тезда малҳам топадилар. Профилакторийларда ҳар бир кишининг давланиши, яхши дам олиши учун етарли шароит мавжуд. Бир киши учун кунига овқатланишга ўртача 23 сўм пул сарфланаёпти.

— Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитасининг тармоққа тегишли билим юртлари, техникум ва олий ўқув юртларидан минглаб талабалар тахсил олишади. Уларга қандай қулайликлар яратилляпти?

— Талабалар алоҳида эътиборга молик қатлам. Тошкентдаги январь воқеалари юрагимиздан кетмас дард бўлиб қолди. Уша кунлари вилоят-

билан бир қаторда дехқончилик-саноати мажмуига қарашли корхоналарда меҳнат қилаётган ёшлар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Касаба уюшмалари вилоят кўмитаси спорт мусобақаларини моддий жихатдан таъминлаб турибди.

— Ҳозирги шароитда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари бўғинларида қандай ўзгаришлар бор?

— Бизнинг касаба уюшмаларимиз энг салмоқли, кўп сонли уюшма ҳисобланарди. 799 та бошланғич ташкилот атрофида 280 минг нафардан зиёд аъзолар бирлашгандир. 228 нафар маош олиб ишловчи котиблар касаба уюшмаси фаолиятини бошқариб боришади. Касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларига катта ҳуқуқлар берилган. Улар мустақил иш олиб боришади. Афсуски, мустақилликни бошқача тушунганлар ҳам бўлди. Агросаноат мажмуи ходим-

лари Косон райони кўмитаси раиси Халил Қўзибоев кўмитани мустақил деб эълон қилиб, вилоят кўмитасига бўйсунмаслигини билдирди. Бу ҳақда газетда унинг мақоласи берилди. Ваҳоланки, зарурий ҳужжатларни тайёрламастан туриб ва ўзaro келишувларсиз бундай қилиб бўлмасли.

Косон райони кўмитаси ҳозиргача юқори ташкилотлар томонидан белгилаб берилган давлат ижтимоий сугурта фонди, марказлаштирилган қол-хозчилар фонди тўловлари ва аъзолик бадаларининг маълум қисмини тўламай келаяпти. Фикримизча бунақанги мустақилликка интилишни умумманфаатга қаратилган деб бўлмайди.

Дехқончилик-саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси вилоят дехқончилик саноати уюшмаси билан биргаликда хайрли

ишга қўл уришди. Шу йил январь ойидан бошлаб, уларнинг муассислигида «Кишлоқ турмуши» ҳафталиги нашр этиб келинмоқда. Ҳафталик саҳифаларида касаба уюшмалари ҳаёти, кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришига оид долзарб мавзулар, бозор иқти-

содиётининг муаммолари, турмушимизнинг бошқа соҳалари ёритиб берилмоқда.

Агросаноат мажмуи ходимлари вилоят касаба уюшмасининг ҳар бир аъзоси мустақиллигимизни янада мустақамлаш учун бутун куч-

гайратларини меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилашга сарфлайди, деб ишонтираман.

Суҳбатимиз бошидаги мавзуга яна бир бор қайтишни истардим. Давр биздан ижтимоий фаолликни талаб этаётир. Жаҳонга чиқиш йўлининг асосий қалити ҳам шу ерда. Касаба уюшмалари ҳам бу фаолликни таъминлашга ўз ҳиссаларини кўшишлари лозим.

Суҳбатдош:
Муродулла КЕНГБОВЕВ.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КўРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН нефть ва газ саноати тармоғи ҳамда қурилиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Ўртоқ М. М. Мухамедов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни Ўзбекистон нефть ва газ саноати тармоғи ҳамда қурилиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси вазифасидан озод этди. Илгари нефть ва газ саноати тармоғи ҳамда қурилиш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси раиси лавозимида ишлаб келган Ўткуржон Қосимович Мирҳабиров Марказий кўмига раиси этиб сайланди.

С. МУҲАММАДХОНОВА.

ЖИЗЗАХ вилоятининг тоғ ва тоғ олди зонасига жойлашган Баҳмал районидан янги хўжалик — «Қатортол» ижара корхонаси иш бошлади. Корхона жамоаси чорвачилик, полизчилик, сабза-

ЯНГИ ҚАСАБА УЮШМА КўМИТАЛАРИ

вотчилик ҳамда галлачилик билан шуғулланади. Корхонада 200 га яқин касаба уюшмаси аъзолари бор. Яқинда касаба уюшма аъзоларининг бўлган умумий йиғилишида бошланғич ташкилот тузилиб, унинг раҳбарияти сайланди.

Шунингдек, районда янгидан ташкил топган яна бир хўжалик «Нушкент» ижара корхонаси касаба уюшмаси кўмитаси ҳам тузилди.

КОВУН-ТАРВУЗ ҚАРВОНЛАРИ

МАРҚАЗИЙ Фарғона массивида жойлашган Задарё Наманган вилоятндаги полизчиликка ихтисослашган райондир. Ҳар йили бу ердаги давлат ва жамоа хўжаликларидан мўл-қўл пахта ҳамда бошқа кишлок хўжалик маҳсулотлари билан бир қаторда қовун-тарвуз етиштирилади. Шу кунларда пишиб етилган ноз-неъматлар район тайёрлаш савдо бирлашмаси орқали шаҳар аҳолисига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

ЯҚИНДА Қарши шаҳрида олтин фасл рамази бўлмиш анъанавий Қовун сайли ўтказилди.

Бу байрамда Нишон районидан «Дўстлик», «Пахтаобод» жамоа хўжаликлари полизкорлари Қовун сайли голиблари бўлишди. Зарчопон, дониёри, қариқиз навли қовун, оқ қадан, қора қадан, хайитқора каби тарвуз навларини намойиш

Бундан ташқари, дўстлик анъаналарига кўра ва маҳсулот алмаштириш мақсадини кўзда тутган ҳолда Россиянинг Перъм ва Красноярск шаҳарлари билан шартномалар тузилган. Уларга ҳам 3500 тонна қовун-тарвуз ва минг тонна пизежўнатилади, эвазига улар ёғочсозлик материалларини юборишади.

Обиджон ЖУМНАЗАРОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

этан Ҳаким ота Усмонов голиблар орасида биринчиликни эгаллади.

Мазкур Қовун сайли байрамининг ўтказишида Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси бош-қош бўлди.

К. МУРОДОВ.



«ИШОНЧ» ФЕСТИВАЛИ

БОҒНИНГ марказий майдонига ўрнатилган сахна бир дақиқа ҳам бўш қолмади. Кувноқ қўшиқлар, интермедиялар, театрлаштирилган сахналар, цирк томошалари — ҳамма-ҳаммаси одамларга бир олам завқ-шавқ бағишлади. Улар кундалик рўзгор ташвишларини бир дақиқа бўлса-да унутиб қўшиқларга жўр бўлишди, шўх куйларга рақсга тушиб, кўнгилларини шод этишди.

Фестивалнинг мақсади одамларни бир-бирига қовуштириш, уларни бир даврага жамлаб дўстлик ва қардошлик ришталарини яна ҳам маҳкамроқ боғлаш, ўзaro меҳр-оқибатни кучайтириш эди. Мақсадга эришилди. «Ишонч» мухлисари, шахримиз меҳмонлари, талабалар, боғга ташриф буюрган барча касб эгалари кун бўйи маданий дам олиб, ҳордиқ чиқариб, навбатдаги иш ҳафтасини янги куч, янги ғайрат билан бошладилар.

Фестиваль баҳона одамларга олам-олам шодлик улашган, ўзбекона удумларга кўра бир пиёла чойга таклиф этиб, меҳмоннавозлик кўрсатган, анжуманимизнинг файзли, мазмунли ўтишига хайрихоҳ бўлган, «Ишонч»га ўзини яқин олиб унинг тўйида камарбасталик қилган **ДУСТЛАРИМИЗ**:

Ўзбекистон Республикаси Социал таъминот вазири **Санобар Хўжаева**, республика касаб уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини **Муҳайё Тўлаганова**, Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамаси масъул ходими **Фарида Абдурахимова**, республика саломатлик ва меҳр-шафқат фонди раиси **Шабот Хўжаев**, республика журналистлар уюшмаси бошқаруви раиси **Лутфулла Кабиров**, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректори **Комил Юсупов**, республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғи **Саидмаҳмуд Акбаров**, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси бошлиғи **Саид Олимхўжаев**, республика касаб уюшмалари Федерацияси кенгаши комиссиялари раисларининг муовинлари **Хулқар Жамолов**, **Анвар Муҳаммаджонов**, ишлар бошқарувчиси **Абдулазим Йўлдошев**, Ўзбекистон касаб уюшмалари

курортларини бошқариш республика кенгаши раиси **Халим Маҳмудов**, республика кимё саноати тармоғи ходимлари касаб уюшмаси Марказий қўмитаси раиси **Неъматилла Қосимов**, республика халқ таълими ва фан ходимлари касаб уюшмаси Марказий қўмитаси раиси **Еркин Файзуллаев**, Саудия Арабистонидан келган тадбиркор **Ҳабибулло Жон**, туркиялик тадбиркор **Ҳасан Зирх**, республика мева-сабзавот ва узум саноати концерни савдо бўлимининг бошлиғи **Муҳиддин Худойбердиев**, Тошкент шаҳар мева-сабзавот саноати бирлашмаси раиси **Салоҳиддин Шаҳобов**, Яққасарой район ҳокимининг биринчи ўринбосари **Ҳикматулла Охунжонов**, район ҳокимининг ўринбосарлари **Абдумажид Усмонов**, **Зоя Галкина**, район маданият бўлими мудирини **Мирзатилла Мирзақаримов**, район умумий оқатланиш акционерлик бирлашмаси раиси **Ҳожибек Урмонов**, район озиқ-овқат савдоси идораси директори **Ғайрат Мансуров**, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи директорининг муовини **Зонир Назармуҳамедов**, Ҳамза мукофоти лауреати, халқ артисти **Зикир Муҳаммаджонов**, Ўзбекистон халқ ҳофиси **Ҳасан Ражабий**, республикада хизмат кўрсатган артист **Аҳмадjon Шукуров** бошчилигидаги «Зарафшон» халқ фольклор ансамбли, республикада хизмат кўрсатган артист **Муножот Йўлчиева**, бастакор **Шавкат Мирзаев**, «Парвоз» ансамбли бадий раҳбари, республикада хизмат кўрсатган артист **Маҳмуджон Азимов**, Қори Екубов номидаги ўзбек давлат филормонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг яққасарой хонандаси **Ҳотам Ҳожиёв**, бастакор **Муҳаммаджон Мадраҳимов**, республика халқ артислари **Эргаш Каримов**, **Хайрулла Саъдиев**, республикада хизмат кўрсатган артистлар **Лутфулла Саъдуллаев**, **Пўлат Носиров**, **Едгор Саъдиев**, **Турдибек Содиқов**, хонанда **Обиджон Ҳакимов**, раққоса **Нурхон Зулунова**, халқаро цирк ва эстрада артислари танлови лауреати, қизиқчи ва афсунгар **Раҳмонбек Исломов**, «Қизиқчи-90» кўрик-танлови ғолиблари **Шукрулло Маҳкамов**, **Авазбек Мулла-**

жонов, хушовоз хонанда **Муҳриддин Холиқов**, Тошкент Педагогика институти музика ва педагогика куллиети бадий ҳаваскорлик дастаси, **Эркинжон Қосимов** бошчилигидаги карнайчи-сурнайчиларга ва бошқа барча мухлисларимизга чин юракдан каттақон **РАҲМАТ** айтамыз.



«ИШОНЧ» фестивалини ташкил этиш ва ўтказишда бир қатор ташкилотлар, мухлислар, таҳририят жамоаси ходимлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб моддий ёрдам кўрсатдилар. Жумладан, Ўзбекистон курортларини бошқариш республика кенгаши (раиси **Халим Маҳмудов**) — 10 минг сўм, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Марказий Қўмитаси (раиси **Турсун Қўшаев**) — 5 минг сўм, «Ишонч» мухлиси **Расул Исломов** — 500 сўм, таҳририят бошланғич касаб уюшмаси ташкилоти 1000 сўм, фестивални ўтказиш комиссияси раиси **Акмал Ақромов** ўзига берилган 2 минг сўмлик пул мукофотини фестивал фондига тақдим этдилар.

Бундай ҳимматли меҳрибонларнинг борига шукур!

ЯҚҚАСАРОЙ районида халқаро Қариялар куни «Ишонч» газетаси фестивалида нишонланди. Шу куни меҳр-шафқатга муҳтож бўлган 150 дан ортиқ кексалар Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғидаги «Шахзод» чойхонасига ташриф буюрдилар. Бу ерда улар учун тўкин дастурхон ёзилиб, ош тортилди.

Бепул тушликдан сўнг район ҳокимининг ўринбосари **Зоя Галкина** ҳар бир қарияга район ҳокимлиги ҳамда «Ишонч» газетаси таҳририяти номидан 200 сўмдан ёрдам пули тақдим этди ва уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади.

Отахон-онахонлар кун бўйи фестиваль қатнашчилари даврасида маданий ҳордиқ чиқариб, ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.



САНАТОРИЙМИЗ нафас олиш аъзоларини даволашга ихтисослашган. Бунга астма, бронхит, томоқ йўли шамоллаши касалликлари кирди. Тоғ хавоси айниқса, бу касалликларга яхши таъсир ўтказди.

1988 йилда очилган санаториймизда ўтган йиллар мобайнида 21.438 киши дам олиб, ўз соғлиқларини тиклаб кетишди. Шу йиллар ичида бу ерга Украина ва Белорусиядан нафас йўллари тозаловчи ИГК ва КПК типидagi автоматларни, замонавий асбоб-ускуналарни сотиб олдик. Шунингдек, Югославиядан келтирилган шам билан даволовчи автомат курилмаларини ҳам ўрнатдик. Улар нафас йўлини даволашда бизга жуда кўл келмоқда. Санаторийда 12 та даволовчи врач ва 30 га яқин тажрибали тиббий хамширалар даволанувчилар хизматидадир.

Бемор учун энг муҳими, дардан халос бўлиш, тани сихатлик

катта бахт. Бу ерда шифо топганлар ҳозиржавоб ва кўли энгил шифокорларга раҳмат айтиб, миннатдорчилик билдирмоқдалар.


Самарқанд вилоятининг Пастдарғом райониди шифокор бўлиб ишловчи Рисолат ҚУЧҚОРОВА:

— Мен ўн йиллардан бери астма — бронхит касаллигидан азоб чекиб келардим. «Зомин» санаторийсига даволанишга келиб анча наф кўрдим. Бу ердаги замонавий даволаш асбоб-ускуналари ва тажрибали врач ҳамда хамшираларнинг меҳр-шафқатидан яхши баҳраманд бўлганимдан хурсандман. Нодира Алимова, Валентина Мир-

зандиева, Жуманазар Алмаатов каби кўли энгил врачлар ва Гулчеҳра Маматкулова, Манзура Борзобоева, Жаннат Таналиева, Дилфуза Эшмуродова сингари билимдон хамшираларнинг ширин сўзи ва қилган давосидан, соғайиб қайтман. Тўғрироғи, яшариб кетдим. Раҳмат, азиз ва меҳрибон халоскорларимга!

Бухоро вилоятининг Қорақўл районидagi «Саодат» маиший хизмат уйи тикувчиси Раъно ҲАСАНОВА:

— Мен бу ерга сурункали бронхит ва бош оғриғи касаллигидан азоб чекиб келган эдим. Терапевт



ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ШИФОКОР



врач В. Мирзандиева, халк табобати вакили психотерапевт — сугистолог Ҳавозмат Ризометовнинг муолажаларидан кейин бош оғриғим таққа тўхтади. Нафасим қисши ҳам энгиллашди. Уйимга соғайиб қайтман.

— Қашқадарё вилоятининг Чирокчи районидagi жамғармалар банкнинг бошқарувчиси Тоштемир ОЧИЛОВ:

— Мен кечалари ухлай олмас эдим. Бир томондан астма-бронхит касали нафасимни қисиб азоб берса, иккинчидан, иш масаласида сансоларликдан асабларим ниҳоят даражада чарчаб, толиққан эди. Санаторий тоғлар ичида жойлашгани учун ҳам унинг шифобахш хавоси мени сўзсиз даволади, деса хато қилмайман.

Шунингдек, Ҳонка райони қурилиш кооперативи раиси Омонбой Каримов, Нурога районидagi «Ғозгон» матлубот жамиятининг бош тафтишчиси Исомиддин Умрзоков, Окдарё райони молия бўлими таф-

тишчиси Нормуроджон Жўраев, жинзаҳлик кекса пенсионер Шарифа ая Абдурахмонова, наманганлик Акрамжон Узоков, китоблик пиллакор София Раззокова, сирдарёлик зоотехник Олланазар Шайзоков, самарқандлик ўқитувчи Шарофжон Холматов, тўртқўллик Давлат Хожиев, Султон Жумоев, қашқадарёлик Туйма бобо Очилов ва бошқалардан ҳам шундай миннатдорчилик сўзларини эшитиш мумкин.

Бундан ташқари санаторийда йод-бромли, хушбўй даволовчи ванналар, сауна бор. Улар киши аъзоларини мустаҳкамлашда жуда катта аҳамиятга эга. Инсон соғлиғи учун етарли замин тайёрлашга имкон яратади.

Ҳа, мўъжизакор табиат иклими, турли-туман гиёҳлар, соф ва тоза хавоси, шифобахш сувлари киши аклини тиниктиради, юратини мустаҳкам қилади.

Иноятулла ЭРГАШЕВ,
«Зомин» санаторийсининг бош врач.

Суратда: Шифокор Ҳавозмат РИЗОМЕТОВ дам

оувчилар даврасида. Муолажа пайти.

Пансионатимиз 1974 йилда машхур Чимён суви асосида очилган. Унда йилига салкам икки минг темир йўлчи ва уларнинг аъзолари ҳордик чикарадилар ва дардларидан фориғ бўладилар. Бу ерда юрак-кон томирлари, ҳаракат-таянч органлари, марказий ва периферик нерв тизими, мия, асаб, ошқозон-ичак, тери ва аёллар касаллиғи шифоланади. Ҳордик чикарувчиларга юз нафардан зиёд ходимларимиз хизмат кўрсатадилар.

ПУЛ БОР, ЖИҲОЗ ЙЎК

Шифокорларимиз кўлида Чимённинг маъдан суви, олтингурутли ванналар, электр муолажалари, шам, укаланиш, даволаш бадантарбияси ва бошқа замонавий воситалар мавжуд. 24 кун давомида шифоланиш ва дам олиш билан бирга Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон республикаларидан келган темир йўлчилар овина-оғайни, опа-сингил бўлиб кетадилар. Ана шу жиҳатдан олганда пансионатимиз темир йўлчиларни дўстлаштирадиган кутлуғ бир даргоҳ ҳамдир.

Чуқур иктисодий танглик бизнинг жамоамизга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайпти. Озик-овқат маҳсулотлари, электр энергияси, газ ва бошқа хом ашё материаллар нархининг ошиб кетиши дам олишга йўлланмалар кийматини оширишга олиб келмоқда. Аммо раҳбар таш-

килотимиз ҳар қандай шароитда темир йўлчиларнинг саломатлигини тиклаш муҳимлигини билган ҳолда бизни моддий қийинчиликка ташлаб қўймапти. Дам олувчилар ва шифоланувчилар учун зарур микдордаги барча маҳсулотлар узлуксиз етказиб берилмоқда.

Аммо бизни қийнаётган бир қатор муаммолар бор. Юқорида айтганимиздек, албатта биз маблагдан қийналганимиз йўк. Бирок пул бўл-

гани билан сотиб оладиган керакли нарса бўлмаса ҳам кизик бўлар экан. Бугун бизга гиламлар, полослар, мебель керак, аммо қаердан олишимизни билмаймиз. Телевизор, радио, музлатгичлар ҳақида савдо ташкилотларига айтвериш чарчадик. Илгарилари ана шу ишлар билан шуғулланиб келган идораларимизда ҳеч вақо йўк. Ҳамма ерда нақд пулга топилди, биз эса нақд пулни ишлага олмаймиз. Шундай қилиб, биз ҳисобимизда пул туриб, эски жиҳозлардан фойдаланишга мажбур бўляпмиз.

Ўйлаймизки, бу қийинчиликлар вақтинча, яқин орада барча муносабатлар изга тушиб кетади, камчиликлар барҳам топади.
Мадаминжон АҲМЕДОВ,
Ўрта Осиё темир йўли Чимён санаторий типидagi пансионати бош шифокори.

ХАТТО тиббиётимизнинг бобокалони Гиппократ ҳам болалардаги рухий касаллик, тутканоқ касаллигининг сабабкори қилиб ота-оналарнинг спиртли ичимлик истеъмол қилишини кўрсатган эди. Рус олими И. П. Маржеевский ўз тажрибаларидан шуни аниқладики, рухий касалга дучор бўлган минг боладан 50 фонзининг ота-онаси спиртли ичимлик ичувчи оила фарзандлари ҳар хил рухий касаллик ёки жисмоний кучсиз бўлиб ту-

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ОҒУ

гилади. Бундай оилада бола вақтидан олдин ёки ўлик туғилиши каби ҳоллар икки баробар кўп бўлади. Алкогол ичимликларининг зурриётга салбий таъсир кўрсатиши кўлдан маълум. Юнон ривоятларига кўра Юнон худоси маст Юпитердан чўлоқ Вулканини туккан экан. Шунинг учун ўша замонларда Спарта давлатида ёшларда ниқоҳ кечаси спиртли ичимлик истеъмол қилиш ман этилиб, маҳсуе қонун чикарилган. Қонунни бузганлар қаттиқ жазоланган.

Наслнинг айнашига нафакат сурункали ичиш, хатто ниқоҳ кечаси ичилган спиртли ичимлик ҳам катта путур етказди.

Ота ичувчи бўлса, 37 фонз бола, она ичувчи бўлса 66 фонз боланинг нуқсонлик туғилгани аниқланган. Демак, онадаги алкогольизм туғиладиган болани кўпроқ ва оғирроқ жароҳатлайди. Шуни англамоқ керакки, аёл-


лар бир ичишга ўрганса эркакларга нисбатан кўпроқ хумор бўладилар. Энг хавфлиси асаб ва рухий ўзгаришлар оғирроқ ўтади.

Ҳомиладор аёл спиртли ичимлик истеъмол қилганида ундаги захар она-ни, ҳам хомилани қаттиқ жароҳатлайди. Маълумки, қориндаги болани йўлдош кўпгина жароҳатлардан саклайди. Лекин ана шу йўлдош орқали хомиллага кўпгина кимёвий модда ўтади. Ундан ташқари зарарли модда-

лар аёл қонидан ҳам бола қонига ўтиши мумкин. Спиртли ичимликлар айниқса хомиланинг 7—8 ҳафталигида хавфли бўлади. Биринчи навбатда бош мия зарарланади. Кейинчалик боланинг она қорнида ўсиши ҳам сусая боради. Ҳомилдорликнинг ўтиши оғирлашади, кўпинча бола тушиши, чала туғилиши учрайди, бундан ташқари кўз ёриш ҳам оғирлашади. Ичувчи ота-онадан туғилган чақалоқ «алкогол синдроми» билан хасталаган бўлади. Ундай гўдак жуда бетинч, кам ухлайди, катта бўлган сари бош мия нерв системаси жароҳатлари яққолроқ кўрина боради.

Еш оналар шуни эсда туттилар зарурки, бир маротаба ичиш ҳам бўлажак болани оғир хасталикка олиб келиши мумкин.

Санъат АЗИЗОВА,
тиббиёт фанлари доктори.



БУ НОДИР обида Темурнинг набираси Муҳаммад Султон номи билан боғлиқдир. Темур сеvimли тўнғич ўғли Гиёсиддин Жаҳонгир фоний дунё билан видолашгач, ўз меҳрини унинг ўғли Муҳаммад Султонга қўйган эди. 1402—1403 йиллари у Туркия урушида голиб келиб, бу давлатни ўз империясига қўшгандан сўнг Ватанига қайтишда ўзининг тахт вориси бўлиши набирасидан ҳам ажралади. Муҳаммад Султон тўсатдан фонийга рихлат этади. Севимли набирасининг жудодик оташида ёнган, каттиқ изтироб чеккан Темур унга бағишлаб Самарқанддаги ана шу макбарани бунёд эттиришга киришади. Унгача Муҳаммад Султон унинг ўзи бунёд эттирган мадрасага вақтинча дафн этилган.

Муҳаммад Султоннинг ўлими қудратли ҳукмдорнинг қаддини букиб қўйган ва ҳатто унинг ўлимини тезлаштирган дейиш мумкин. Амир Темур бунёд эттира бошлаган макбара унинг ҳаётлигида тугалланмай қолади. Унинг жасади ҳам келтирилиб вақтлик собиқ мадрасага қўйилади. Мадрасанинг ички хоналари тантанали тарзда энг қимматбаҳо нарсалар билан зийнатланган. 1406 йили макбара битгач, Темурнинг бошқа набираси Ҳалил Султон марҳумларни мадрасадан олдириб бу ерга дафн эттирган ҳамда шу муносабат билан у бобосининг «йил оши» маъракасини ўтказган. Муҳаммад Султон мадрасасидаги жамики буюмлар ҳам янгидан тикланган Гўри Амирга қўчирилиб, худди аввалгидай тантанали ҳолда безаттириб қўйилган. Айтилишича, бу буюмларнинг энг қимматлиги баҳоси бутун бошли бир вилоятнинг бир йиллик хирожига тенг бўлган экан.

Дорулмағфиратнинг (макбара) ички деворларига қимматбаҳо тошлар билан безатилган кийим-бошлар, булар ичида Амир Темурнинг шахсий кийим-бошлари, қилич ва бошқа қурол-яроғлари, турли анжомлар осиб қўйилган, бинонинг ўртасида тўрт минг мискол (тахминан 18—20 килограммга тенг оғирликда бўлган) соф олтиндан ишланган қандил ўрнатилган бўлиб, унинг атрофини бундан қолишмайдиган олтин-қумушдан ишланган қандиллар бегаган. Хоналар асл тошлар, лаъли-забаржадлар билан жилланган. Деворларга турли ўлка усталарининг ажойиб, бебаҳо ижодий маҳсуллари бўлиши қурол-яроғлар, шунингдек, чинни ва биллурий буюмлар қўйилган. Ерга эса, чўғдай гиламлар, полослар тўшаб қўйилган экан.

Мазкур макбарага Амир Темур, Муҳаммад Султон: шайх Мир Саййид Барака, кейинчалик Мироншоҳ, Шоҳрух, Улуғбеклар ҳам дафн этилган. Самарқанд Мирзо Шоҳрух (1409 йил) қўлига ўтгач, шариатга ҳилоф деган баҳона билан макбарадаги буюмлар батамом олиниб хазинага топширилган.

Тарихий манбаларда айтилишича, Амир Темур ҳали ҳаётлик чоғидаёқ ўзи учун олтин тобут ясаттириб қўйган экан. Рихлатидан кейин уни ўша олтин тобутга солиб мазкур қабрга қўйганлар. Шоҳрух отаси қабрини очдириб олтин тобутни ҳам юқоридагидай баҳона остида хазина бойлигига қўшган экан. Урнига арча дарахтидан ишланган ёғоч тобутга қўйдириб қайта дафн эттирган экан. Бу ҳақда эса, кейинги вақтлик матбуотларда «пўлат тобутга қўйиб дафн этилган» деган ҳолатлар илгари сурнади. Ваҳоланки, бизга маълум бўлган тарихий манбаларда бундай гаплар учрамайди. Шунга қўра, кейинги гаплар ҳақиқатдан андак йироқроқ кўринади.

Гўри Амир макбараси Ўрта аср

Шаркидаги меъморчиликнинг энг ноёб ёдгорликларидан бирига кирди. У ўзининг бежиримлиги, рангоранглиги, нақшинкорлиги билан бошқа ёдгорликлардан алоҳида ажралиб туради. Макбара ичига 1424 йилда Улуғбек томонидан қурдирилган далон орқали кирилади. Унинг ичкараси чортоқ, устида асосли ёзувли хошиялар ва ички гумбаз бор. Ташқи пилтавор гумбаз баланд чамбарак гумбаз поясига ўрнатилган.

Макбара сахнига қабр тошлари қўйилган, уларнинг ости саккиз қиррали тағхона — сардоба бўлиб, марҳумларнинг хоки худди шу ерда жойлашгандир. Юқоридаги ҳашаматли зални одатда зиёратхона деб аташади. Бу залнинг қадди тик, безаклари ҳам аксар олтин хал билан пәрдозланган. Безаклар заминига ложувард ранг гуллар чизилган. Изораси яшил тошлардан терилган.

Макбара ташқариси сиркор гишт-чалар билан зийнатланган. Гумбаз ва

ган. Миноралари қулаган, безакларига ҳам жиддий зарар етган. Агар шу зайилда эътибордан четда қолиб кетгудай бўлса, оқибат кўпга бормай янада нураб кулаши ва йўқ бўлиб кетиши муқаррарлигини Самарқанддан Хиндистонга борган кишилар Хинд хукмдорига хабар қилганлар. Негаки, Бухоро хонлиги бу даврларда доимий ички ва ташқи низолар, урушлар билан банд эканлиги туфайли маинки Самарқанд, ёки бошқа вилоятлар, балки пойтахт Бухоро шаҳри ободончилигига ҳам жиддий равишда эътибор ила қарай олмас эди. Шуларни назарга олган Аврангзеб (1658—1707 йил) шаҳри Қобулнинг (Афғонистон) бир йиллик хирожини йиғиб бобокалонлари ётган Гўри Амир макбарасининг таъмири учун Самарқандга йўллади ва макбара таъмирдан чиққач Малехонинг ёзишича, ўша вақтда Самарқандда Шайбонийхон мадрасасининг мутавалиси ва мударриси бўлиб турган Темурнинг пири шайх Мир

даврлардаги қилинган хайрли ишларга шубҳасиз ютук деб қараш керак бўлади, албатта.

Чор Россияси даврида ёдгорликларимизнинг аҳволи қай тарзда кечган? деган савол тунглиши табиийдир. Бунга тарихий манбаларга сўянган ҳолда гоёат оғир, ачинарли аҳволга келиб қолган, ақсар обидаларимизга мутлоқо аҳамият берилмаган ва уларни ҳалокатдан сақлаб қолиш борасида ҳеч қандай чора-тадбирлар қўрилмаган дея оламиз. XIX аср охирилари ва XX аср бошларида Ўрта Осиё ўлкалари, хусусан, Моварауннаҳр беҳисоб, деярли бир бутун ёдгорлик йиғиндисига эга бўлган. Ҳатто ўша даврларда Амир Темур бунёд эттирган кўпгина дилқушо боғ — саройлар сақланганлиги маълум. Ана шу обидаларнинг бизгача фақат баъзи мой бўёқдаги расмларига етиб келган холос. Кўксарой шулар жумласидандир.

Муаррих Аҳмаджон Саъдиев ўзининг «XIX асрда Туркистонда тарих фани» (Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти. Тошкент—1960 йил) китобининг 80—81 бетларида шундай деб ёзади: «Археолог В. Л. Вяткин Туркистон генерал-губернатори Самсоновга Самарқанддаги архитектура ёдгорликларининг илмий қийматини тушунтириб, уларни сақлаш учун маҳаллий ҳукуматдан бир оз ёрдам беришни сўраганда, Самсонов унга қараб: «Россия ҳукуматининг манфаати нуктаи назаридан қараганда, бу ёдгорликларни сақлаб қолиш эмас, аксинча, уларни бузиб йўқ қилиш зарур»лигини айтади. Унинг ёнидаги яқин амалдори губернаторнинг сўзини қувватлаб, «буларни тўп ўқлари билан яқсон қилиш керак», деб қўшиб қўяди. Яна бир чор генерал-губернатори Скоблев ҳам «Миллатни йўқ қилиш учун уни буткул қириб ташлаш унчалик шарт эмас. Уни ўз маданиятидан маҳрум қилиб қўйсанг ҳам бас, шунда у ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмаса мана мен қафил», — деган экан. Шубҳасиз, киши қалбини ниҳоятда жунбушга келтирувчи бу аччиқ ҳақиқат биргина Самарқандга эмас, балки бутун Ўрта Осиё маданиятига ҳам бирдай тааллуқли бўлганлигини ҳам бемалол идрок этиш мумкин.

Чор ҳукумати аёнлари ўзлари айтган «олийжаноб» сўзларининг устидан қанчалик чиқишга улгурганлари ҳозирча қоронғу. Эҳтимол вақти келиб бу масала ҳам ойдинлашар. Масаланинг иккинчи муҳим томони эса киши қалбини ларзага солади. Биз юқорида Гўри Амирда марҳумларнинг хоки ётганлигини қайд этиб ўтдик. Маълумки, 1941 йили Гўри Амирдаги хилхона очилиб, ундаги марҳумларнинг устихонлари илмий ўрганиш учун олинган эди. Бу устихонларнинг бир қисми Самарқанднинг ўзида, бир қисми Тошкентда ўрганишга киришилган. Яна бошқа маълумотларга қараганда, агар ўша маълумотда ҳақиқат бўладиган бўлса, антрополог — хайкалтарош М. М. Герасимов бош чанокларни ўрганиш учун ўзининг Москвадаги лабораториясига ҳам олиб кетганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Улар «Амир Темур, Мироншоҳ, Шоҳрух, Муҳаммад Султон ва Мирзо Улуғбеклар»ники бўлиб, кейин қайта ўз ўрнига қайтариб қўйилганми, йўқми ҳозирча бунга айтиш мушкул.

Ўтмишнинг ёрқин тимсоли сифатида сақланиб қолган нодир ёдгорликлар ҳамда Гўри Амир макбараси мозийнинг қайноқ ва шиддатли кечинмаларини бошдан кечирган жонли гувох сифатида биз учун ҳамиша қадрли эканлигини тоабат унутмаймиз.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.



унинг поясидаги безаклар ҳам алоҳида кўзга ташланади. Макбара дарчаларида ўз вақтида ёғочдан ишланган нафис панжаралар, эшикларда эса мураккаб қўш замиш йўмакор безаклар бўлган. Макбаранинг фарб томонига баланд пештоқ пиллапоялари ва равок ёндошган. Хуллас, Гўри Амир макбараси меъморчилик ансамблининг уйғун тузилиши, мутаносибликлари, нақшлари ва турли хил безаклари гоёат улкан санъаткорлик билан амалга оширилган.

Кези келганда шунга ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур макбара таъмирчилиги давомида 1968 йили Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кекса илм захматқашларидан марҳум Абдулла Носиров, Абдуқодир Муродовлар макбаранинг ички ҳамда ташқарисидagi қарийб ўчиб кетган талай арабий усулда ёзилган хатларни қайта ёзиб тиклашда фаол қатнашганлар. Бу гоёат мураккаб ёзувли хатларни тиклашнинг ўзи бўлмастлиги, нечоғлик қийинлиги тўғрисида ортиқча гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Худди ўша ёзувлар давомида пештоқ дарвозасининг тепасида бино меъмор-муҳандиси Муҳаммад бинни Маҳмуд ал-Банно Исфахоний номини ҳам ўқиш мумкин бўлганлигини гапирган эди Абдулла Носиров.

Кўпгина қадимий обидаларнинг бизгача етиб келолмаганлигига ўтмишнинг қаҳри келиши, вайронгарчилик келтирувчи урушлар, қучли зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинларнинг катта таъсири ҳам бўлган, албатта. Гўри Амирни ҳам ҳусусан, бу фалокатлардан холи бўлган деб бўлмайди.

Жумладан, XVII аср ўрталарига, яъни аштархонийлардан Абдулазизхоннинг (1645—1680 йил) ҳукмронлиги даврига келиб машҳур Гўри Амир макбараси каттиқ шикастлан-

Саййид Барака авлодидан бўлган Замон Пешагирнинг ўғли мулла Вали деган шахсни макбара мутавалиси этиб тайинлашни буюрган. Макбара маблағининг қучи билан тўла таъмирдан чиқаришга ва шох Аврангзебнинг ҳамма буйруқлари ўринланган. Аммо кейинчалик яна мамлакатда (Моварауннаҳрда) авж олиб кетган ихтилофлар туфайли макбара ва бошқа иморатлар аҳамиятсиз ҳолга келиб қолган.

Ўз бошидан шундай танназулли даврларни кечириб турган бир пайтларда Эрон шаҳаншоҳи Нодиршоҳ Афшар Моварауннаҳрга бостириб келиб, бирин-кетин ўлкаларни ишғол этади. Шу жумладан, Бухоро ва Самарқанд ҳам босиб олиниб, талон-тарож қилинади. Бу талон-тарожлардан ҳатто марҳумлар ётган Гўри Амир ҳам четда қолмаганлиги айни ҳақиқатдир. Хусусан, бунда Эрон шаҳаншоҳи Амир Темур қабри устига унинг набираси Улуғбек (Муҳаммад Тароғой 1394—1449 йил) томонидан ўрнатилган Кош (Хўтан тоши) нефрит мармар тоши ҳам Эронга олиб кетилган. Кейинроқ Нодиршоҳ қилиб қўйган ишидан пушаймон еб мазкур мармар қабр тошини қайта ўз ўрнига қўйишни яқин амирларидан бирига буюрган экан.

Орадан бирмунча вақтлар ўтиб, манғитлар сулоласи даврида Бухоро амираи Шоҳмуродбий (1785—1800 йил) ҳукмдорлиги даврида мамлакатда бир қадар ободончилик ишлари жонланди. Бухоро ва Самарқандда обидалар қайта тикланган. Гўри Амир макбараси, Улуғбек мадрасаси, Хонқоқ масжиди, Шердор, Тиллақори мадрасалари қатори кўпгина иншоотлар таъмир эттирилганлиги ва бошқа қурилишлар олиб борилганлиги манбалардан маълум. Бу ишлар гарчи, бузилиб йўқ бўлиб кетганлари олдидан ҳеч гап бўлмасам-да, ҳарқалай ўша

олишга, хоҳлаганча фахрлинишга имкон туғилди.

Одамзоднинг табиаи қизик. Бир ишни бошлаб қўйиб, унга шунчалик берилиб кетамизки, оқибатда хайрли ишни ҳам анчагина жунлаштириб юборишимиз мумкин. Назаримда Соҳибқирон Амир Темурнинг номи билан ҳам шундай ҳол юз бериши мумкинга ўхшайди. Бугун хўжаликлар, қўчалар, мактаблар, кичик корхоналар, майдонлар ва бошқа кўпгина жойларга бирин-кетин, тўхтовсиз унинг номи берилёттир. Табиийки, бу иш ҳали давом этавереди. Халқимизнинг буюк фарзандига муҳаббат билан. Шу сабабли ҳам ҳар ким ўз хўжалиги, кўчаси, мактаби ёки ишхонаси Амир Темур номи билан атайлишни истайди. Ҳа, яхши ният яхши нарсаси, яхши ният пок дилнинг белгиси. Лекин бир ўйлаб кўрсак, ёмон бўлмасди, биз дуч келган жойга Амир

Темур номини бераверсак, унинг номи қадрсизланишига йўл очиб қўйган бўлмайми.


Менимча, Амир Темур номини энг яхши, намунали хўжалик, диққатга сазовор жойларга берган маъқул. Токи, бу улуг ном ўзига сазовор бўлган жойларга муқофот тариқасида бўлсин. Виоятларда жой номлари билан шуғулланувчи комиссиялар иш олиб боришаптир. Ортиқча расмиятчиликдан қочиб мақсадда улар фаолиятдан фойдаланиш мумкин. Комиссияга Амир Темур номи берилмоқчи бўлган жойлар тавсия қилинади, улар эса ўрганиб чиқиб бир қарорга келишади.

Шундай қилинган тақдирда буюк бобомизнинг ҳурматини жойига қўйган бўламиз, деб ўйлайман.

К. МУРОДУЛЛАЕВ.

УЛУҒ НОМГА МУНОСИБ БЎЛСИН

СОҲИБҚИРОН Амир Темур бир пайтлар қанчалик қораланмасин, унинг номи тилга олинганда, барибир вужудимизга титроқли бир фахр туйғуси югурарди. Ул зотнинг руҳи доимо ўз халқи билан бирга эди, фақат биз бунга ошқор айтишга, уни умумийлик миқёсда ёйишга журъат этолмасдик. Шу кунлар инояти туфайли буюк бобомизнинг номини ҳамма жойда эркин тилга



Кийиким Галлар

Упишиб кўришган одамнинг юмшоқ лаблари ортида қаттиқ тишлари ҳам бор.

Донони аҳмоқ қилиш мумкин аҳмоқни доно қилиб бўлмас.

Икки сўзли дўстдан бир сўзли душман яхши.

Заҳарни ҳеч ким татиб кўриб олмайди.

У дунёга ҳеч ким дўст кўргани бормайди.

Попукой бошлиққа секретарь бўлиб ўтгандан бери исми Попугай бўлиб қолди.



РАССОМ
ХАНДАСИ

Хандастар

ДУРРАНГ БИЛАН

Йигит телефонда — Опа кечира-сиз кечаги дуранг билан табриклайман.

Телефонда аёл овози: — Вой, куриб кетгурей, у дуракни қатдан кўра қолдинг? Шунинг эгар экан-да қари киз овга чикди, кетидан говға, деб. Умримда бир марта йигит билан бирга кетсам шунинг ҳам кўрибсан, вой куриб кетгур-ей.

УЯТЧАНГ ЙИГИТ-КИЗЛАР

Автобусга бир неча оппок соқолли чоллар чиқиди. Қатор ўтирган йигит-қизлар бирдан ерга қараб олишди. Бир йўловчи иккинчи йўловчидан:

— Нега бу йигит-қизлар ёнида ҳассага суяниб турган чолларга қарашмайди? — деб сўради.

— Булар уятчанг... ўзидан қатталарни юзига қарашга уялади, — деб жавоб берди иккинчи йўловчи.

БИР КУНДА УЧ МАҲАЛ МЕҲМОН

Автобус тўла одам. Икки киши гаплашиб кетишяпти.

— Ҳозир ҳам ичяпсизми? — сўради бири иккинчисидан.

— Ҳа, меҳмон келганда олиб турамиз, — деди.

— Ҳа, акангизни меҳмонлари бир кунда уч маҳал келади, — деб пичинг қилди, орқа ўриндикда ўтирган хотини.

Равшан ҚАМБАР чизган расмлар.

Ҳайдар МУҲАММАД.

ДОҒЛАРНИ УЙ ШАРОИТИДА ТОЗАЛАШ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЕҒИДАН ПАЙДО БЎЛАДИГАН ДОҒЛАР

Ёғ доғларини тозалашда, энг оддий усул: доғ устига 2—3 қатланган босма қоғоз қўйиб, устидан қиздирилган дазмол босиш тавсия қилинади. Шунда ёғ доғнинг аксарият қисми қоғозга сингади. Қолган доғ изини эса бензинда тозаласа бўлади. Бу усул асосан, шойи газламалардаги доғларни кетказишда қўл келади. Новшадил спиртида эритилган бир чимдим туздан ҳосил бўлган ишқорда ҳам шойи газламалардаги ёғ доғларини кетказиш мумкин.

Атласдаги ёғ доғларини устига майдаланган бўрни сепиб, бармоқ билан енгилгина ишқаланади. Сўнг бўр силкитиб туширилиб, газлама илиқ сувда ювилади. У қуригач, доғлар йўқолади.

Ацетат толали шойидаги ёғ доғларини, эфир билан намланган пахтада артиб кетказиш мумкин. Бунда газлама айнимайди.

Бахмалдаги ёғ доғлари. Қурук тоза кумни олиб қиздирилади ва халтачага солиб, уни доғ устига бостириб қўйиш керак. Агар доғ шунда ҳам кетмаса, бахмал тагига салфетка қўйиб, доғ устига бензин томизилади ва латта халтача билан доғ усти ишқаланади.

Умуман, газламаларга тушган доғларни озгина новшадил спирти қўшилган илиқ сувда ювилади.

Ранг берилган газламалардаги ёғ доғларини эса совунли сувда ювилади. Муайян чекланиш билан ювиладиган рангли газламалардаги ёғ доғларини кетказишда, ёғ доғи бор газламанинг орқа томонига

босма қоғоз қўйиб доғга бензин томизилади ва доғ кетгунча тоза латта билан енгилгина босиб турилади.

Ип-газламалардаги ёғ доғларини кетказишда ўша доғни скипидарда намлаб устига босма қоғоз ёпиб илиқ дазмолда дазмолланса ҳам бўлади.

Қора тусли газламалардаги янги ёғ доғини кетказишда уни бензинга хўлланган пахта билан артиш ва чўтка билан тозалаш маъқул.

Ёғ доғларини кетказишда тиш тозалаш порошоги ҳам яхши восита ҳисобланади. Порошокни доғ устига сепиб, бир неча соатдан кейин уни чўткалаб ташлаш ёки бу ишда ош тузини ишлатиш ҳам мумкин.

Ёғ доғларини кетказишда: бензин, уайт-спирт, эфир, скипидар, бензол, метил-гексолин ишлатиш мақсадга мувофиқ. Тозалаганда доғ изи қолмаслиги учун доғни чеккаларидан ўртасига қараб артиш лозим.

Очиқ рангли газламалардаги ёғ доғларини куйдирилган магнезия кукуни қўшилган бензин билан артиб кетказиш яхши самара беради. Бунинг учун тайёрланган қорришмани доғга суриб, қуритилади ва чўтка билан тозаланади.

Устки кийим-бош ва сунъий газламалардаги ёғ доғларини тозалашда унга картошка крахмали сепиб, кейин нам салфетка билан ишқаб артиш зарур. Крахмал қуригандан сўнг уни чўтка билан тозаланади. Керак бўлса, бу жараён яна қайтарилади.

КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙМИЗ, АЗИЗЛАР!

ЯҚҚА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН

КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ОБУНАСИ УЧУН

Ф. СП-1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» (нашр номи) 64560 (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

буна сонини

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Ф. СП-1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» (нашр номи) 64561 (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сонини

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64560

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ» (нашр номи)

обуна	баҳоси	обуна сонини
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64561

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ» (нашр номи)

обуна	баҳоси	обуна сонини
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



«ИШОНЧ» ФЕСТИВАЛИ



ҲАР ЙИЛИ КУТАМИЗ!

ФЕСТИВАЛГА дугоналарим билан элга танилган жонкуяр журналистлар, ёзувчию шоирларни учратиш ва танишиш мақсадида келувдик. Натижада катта бир тантананинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда нафақат газета ходимлари, балки халқимизнинг эъзозли, ардоқли олиму фозиллари, санъаткору сўз усталари ҳам ташриф буюришган экан. Уларнинг донишона сўзларидан, дилларни ром этгучи хонишларидан баҳраманд бўлиб қайтдик. Биз «Ишонч»нинг бундай тантаналари ҳар йили такрорланишини истаймиз.

Маҳфуза ЭРДОНОВА,
Тошкент Тўқимачилик саноати институтининг
2-курс талабаси.



Фестивалдан лавҳалар.

Ҳаким СОЛИҲОВ олган суратлар.

«ИШОНЧ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ЯҚКА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН унинг йиллик
обуна нархи 208 сўм 80 тийин. (нашр кўрсаткичи — 64560)

**ҚОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН ГАЗЕТА-
НИНГ ЙИЛЛИҚ ОБУНА НАРХИ 312 СЎМДИР.**
(нашр кўрсаткичи — 64561)

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.» — «жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазиши.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.


Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул-қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.» — «жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазиши.



12 ДУШАНБА

УзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ялқов». Мультфильм. 18.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йиллари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Тижорат хабарлари. 19.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 19.40 «Осиё эзи-92» халқлар танлови: учашулар, таассуротлар. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 21.30 Бадий фильм «Хиндистон». 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Соғва». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Билиб кўйган яхши». 20.25 «Миришкорлар». 20.55 «Сухбатга чорлаймиз». 21.40 «Лаҳза». Хабарлар. 21.50 «Имконият». Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»

5.55, 12.20, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 «Яқунлар». 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Теллак». Бадий фильм. 10.45 «Бир сўзи деб...». 11.15 «Марафон-15». 12.00 Янгиликлар. 12.25 «Масхарабоз».

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Телемика». 16.00 «Ен дафтар». 16.15 «Уолт Дисней таништиради...» 17.05 Болалар телевидениеси ассоциацияси. «Мен» студияси. Воронеж шаҳри. 17.35 «Эстон майданиги». Нарва, Кохтла-Ярва шаҳарларидаги рус тилида сўзловчи аҳолисининг аҳоли. 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Футбол шарҳи. 18.55 «НЭП». 19.25 «Танур узра юлдузлар ҳам чарқалайди...» Телевизион бадий фильм премьераси («Тожикфильм»). 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Спорт уик-энди». 21.40 «Турмуш икки чирклар». Бадий телефильм премьераси. 3-серия.

14 ЧОРШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Томоша». Телефильм. 7.55 «Ажойиб ҳаёлпараст». Бадий фильм. 9.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Рўзгор ташвишлари». 10.00 Араб тили. 10.30 Ҳуқуқ кўрсатуви. Биология. 11.00 «Низомиддиновлар оиласи». Болалар учун концерт. 11.30 Ҳуқуқ кўрсатуви. Ботаника.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Қандай қилиб Алдар Кўса йўлбарсни лақиллатди». «Қувноқ алдоқчи». Мультфильмлар. 18.30 «Шоирлар — болаларга». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Хавфсизлигинг ўз қўлингда». 19.45 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Мадраҳимова». Видеофильм премьераси. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Хуқуқимизнинг олий дастури». 21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.00 Футбол. Осиё кубоги. Ўзбекистон ва Қозғистон терма жамоалари. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган). 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Шарқ лирикиси». 20.05 «Уй-жойларни хусусийлаштириш — бозор иқтисодиёти талаби». 21.05 «Ишбилармонлар». 21.50. XI Тошкент халқаро кинофестивали. «Фестиваль учрашувлари».

«ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм. 10.05 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 23.30 «Қайнона». Бадий фильм. 00.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ

18.30 «Утмишиз келажак йўқ». 19.10 «Муסיқали маҳмонхона». 19.40 «Алоқалар ва шартномалар». 20.10 Тижорат канали. «Урта Осиё темир йўли: бугун эртага». 20.40 «Бу оқшомдан кўрсатуви саҳифаларида». 21.50 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 10.05 «Турмуш икки чирклар».

Кундузги киноэкскурс: 12.20 «Қувноқ болалари». Телевизион бадий фильм. 1-серия. 13.45 «Тор доира». Телевизион бадий фильм.

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Телемика». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Уолт Дисней таништиради...» 17.05 «Қувноқ теплоход». Нижний Новгороддан кўрсатилади. 17.20 Мароқил саҳбат. «Рейс-9:10» (Испания). 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.20 Давлатларо «Останкино» телеканал таништиради. 18.50 «Харбий ревью». 19.20 «Остан-

кин» хит-паради. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Ойна жаҳонда биринчи марта. «Савай». Бадий фильм. 22.45 «Манбалар» туркумидан телефильм премьераси (Красноярск). 23.10 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Россия — Исландия терма командалари. В. И. Ленин номи Марказий ўйингоҳдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Ватаним менинг. «Рязань таассуротлари». 9.50 Мультфильм. «Қаердасан, тулпорим». 10.00 Параллеллар. «Меҳр-шафқат даври». 11.00 «Чашмалар». 11.30 Ретро. Т. Минасарова куйлайди. 12.00 «Пиллигрим». Россия саҳбатлар бюроси. 12.45 «03» кўрсатуви. 13.15 «Мен — отилган ёйман». «Яшиллар» ҳаракати ҳақида. 13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.40 «Дехқонларга тааллуқли масала». 14.00 Россия Конституцион суди залидан.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 «Мемнун миллиардер». 18.30 Хабарлар. 18.45 Болалар даврасида. 18.50 «Қора денгиз». Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.50 «Сезам» кўчаси.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Криминал хабарлар экран. 20.10 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Ракета инқирози». Хужжатли фильм. 1-серия.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Видеофильм. 22.00 Хабарлар. 22.20 «Умид таксиси». Видеофильм. 22.50 «Бизнинг қўшиқлар».

15 ПАЙШАНБА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Зарипов чавандозлари». Телефильм. 7.55 «Митти қочоқ». Бадий фильм. 9.35 «Ешлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.05 «Фитрат». Телефильм. 10.30 Ҳуқуқ кўрсатуви. Ботаника. Хужайраларнинг ўсиши ва бўлиниши. 11.00 «Қўшиқларинг барҳаёт бўлини». Телефильм. 11.30 Ҳуқуқ кўрсатуви. Табиатшунослик.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ака-ирос». Мультфильм. 18.30 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Чорвадор». 19.50 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Хукумат тadbирлари. 21.30 XI Тошкент халқаро кинофестивали. «Фестиваль учрашувлари». 22.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.45 «Тўш ўнгидан келди ёки чомодан». Бадий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

«ТОШКЕНТ»

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум». 19.00 «Бумеранг». Экология кундалиги. 19.40 Муסיқали дақиқалар. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда». 21.20 «Пульс». Хабарлар. 21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

«ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 10.05 Мультфильмлар. 10.55 Н. Будашкин номи рус халқ чогулғуари ансамблининг концерти. Читадан кўрсатилади. 11.20 «Вориси йўқ». Телефильм. 12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкскурс: 12.20 «Қувноқ болалари». Телевизион бадий фильм. 2-серия. 13.45 «Тор доира». Телевизион бадий фильм.

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Телемика». 16.10 «Ен дафтар». 16.15 «Уолт Дисней таништиради...» 17.05 «Хонатлас». Телефильм премьераси (Тошкент). 17.15 «Олеса ва компания». Болалар учун кўрсатуви. 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.10 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 «Тасвирдаги сурат». Е. Гайдар ва унинг командаси. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Кинопанорама». 22.35 «Қора кут». 23.10 «Бу жозибали рақс». 00.05 Янгиликлар. 00.40 «Видеодром».

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 Камера ўтмишни тадқиқ этади. «Ракета инқирози». Хужжатли фильм. 1-серия. 9.40 Мультфильм. «Қизил денгизни ким бўяб кўйди?» 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 10.05 «Экзотика». 11.05 «Тоглардан ҳам яхши жой фақат тоғ бўлади». (Пятигорск шаҳри). 11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 85 ва 86-сериялар. 13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.35 «Дехқонларга тааллуқли масала». 13.55 Россия Конституцион суди залидан.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Ешлар. 18.30 Хабарлар. 18.45 «Ислоҳ маданият ёдгорликларида». 19.30 Хабарлар. 19.50 «Сезам» кўчаси. 20.20 «Дағарджик». Дам олиш кўрсатуви. 21.10 «Катта опа». Видеофильм. 21.55 Манзарали фильм. 22.00 Хабарлар. 22.10 Спорт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.10 «Хроно». Авто ва мотоцикл оламида. 23.40 Махсус тижорат хабарномаси. 23.50 Катталар учун мультфильм. 24.00 «Ватаним менинг».

16 ЖУМА

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Қалдирғоч». Қисқа метражли телевизион бадий фильм. 8.05 «Кузги марафон». Бадий фильм. 9.40 Болалар учун. Шахрихон гуллари. 10.30 Инглиз тили. 11.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Вася ва овчи мушук ҳақида». «Тиканак пўстинли чўчка боласи». Мультфильмлар. 18.30 «Шоличилик истиқболи». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Эл фарзанди». Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги. 19.50 «Ўзбекистон боғлари». Телефильм. 20.00 «Машина терими тажрибасидан». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Хорманг, бободоҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 21.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.15 «Йўқолинган севги фронтидаги чайковчилик». Бадий фильм. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Бойлар ҳам йнглайди». Кўп сериали телевизион бадий фильм. 10.05 «Саҳбатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 10.55 В. Готовцева куйлайди. 11.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 12.00 Янгиликлар. Кундузги киноэкскурс: 12.20 «Қувноқ бўйдоқлари». Бадий фильм (Хитой). 13.45 «Мен кутаман...» Телевизион бадий фильм.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Россия қобусномаси. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 «Оқ қарға». 10.50 «Окелевица» кабареси. 11.50 В. Лебедевнинг «Учрашув» фильми премьераси. 12.45 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм. 87-серия. 13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.40 «Дехқонларга тааллуқли масала». 14.00 Россия Конституцион суди залидан.

15.10 Телебизжа. 15.40 «Рост» студияси. «Мурзилка байрами» 2-қисм. 16.10 Янгиликлар. 16.25 «Келинг, аниқлаб олайлик». 16.40 «М-трест». 16.55 Жума кунлари Уолт Дисней. «Биг Фут». Бадий фильм. 1-серия. 17.45 «Ҳар бир кун байрам». 17.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Осиё тароналари. 18.30 Хабарлар. 18.45 Халқ рақслари. 19.00 «Урта Осиё». Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.45 «Сезам» кўчаси. 20.15 «Хонанда». 21.45 Туркия манзаралари.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар. 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 Кечки салон. 24.00 «Чакана киши эмас». 00.25 Россия Конституцион суди залидан. 00.55 «Экзотика».

17 ШАҢБА

УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

8.00 «Енар тоғ хазинаси». Бадий фильм. 9.15 «Шоҳруҳ клуби». 9.45 «Олтин япроқ». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъмат Дўстхўжаев. 10.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга — минг танга». 11.30 Телефильм. 12.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Замандас» (қозоқ тилида). 13.00 Тижорат канали. «Танишинг: «Диалог интернейшл». 13.20 «Сирли сандиқ». Йўлдош Охунбоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли.

18.00 «Сеними, шошмай тур». Мультфильм. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Мерос». Баёт. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Хуқуқимизнинг олий дастури». 21.30 Нодира таваллудининг 200 йиллиги. «Тановар» рақс ансамбли ижросида «Нодира» спектакли премьераси. 22.05 «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадий фильм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

«ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 Ишбилармон кишининг шаба тоғи. 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Спорт-имконият». 9.00 «Марафон-15 — кичингтояларга». 9.25 «Уз-ўзинга мадад бер». 9.55 «Саҳнанинг орқа томонидан, Табассум билан». 10.15 «Муъжизасиз муъжизалар». 10.45 «Ксенининг мактублари». Телефильм премьераси. 11.35 Едда қолган фильмлар. «Румянцев иши». Бадий фильм («Ленфильм», 1955 й.). 13.25 «Муסיқий дўкон». 13.55 «Қолима. Урушдан кейинги уруш». Телефильм премьераси. 3-фильм. 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Никитанинг болалиги». Телевизион бадий фильм премьераси. «Биринчи муҳаббат» туркумидан (болалар ва ўсмирлар телефильмлар, студияси, «Экран» ижодий уюшмаси). 16.35 «Қизил квадрат». 17.15 «Лайлак ҳақида эртак». Мультфильм. 17.25 «Қувонч ва умид уйи» телемарафони. Олмаотадан репортаж. 17.45 «Енотлар». Кўп сериали мультфильм. 18.10 Москва Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. Диржёр — П. Коган. 18.55 «Фил ва кўпичча». Мультфильм. 19.05 Ойна жаҳонда биринчи марта. «Кучук боласи». Бадий фильм (Одесса киностудияси). 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 Аншлаг. Аншлаг. «Бахмал куз». 22.50 «Қувонч ва умид уйи» телемарафони. Олмаотадан репортаж. 23.10 «Анне Вески — Москвада». 00.05 Янгиликлар. 00.45 Охири киносеанс. «Пришвиннинг қозоқ кўзлари» («Ленфильм»).

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Хужжатли панорама. 9.15 Виолончелда Б. Пергаменичов чалади. 9.30 Хулқ-атвор. 10.00 «Ун бир плюс» видеоканали. 11.30 Кундузги сеанс. «Мария, Мирабела». Бадий фильм. 12.35 «Козирхоним».

13.05—16.00

ЎЗБЕКISTON

«ДУСТЛИК»

ВИДЕОКАНАЛИ

16.00 «Пиллигрим». Россия саҳбатлар бюроси. 16.55 «Билл Грэм билан суҳбат». 17.25 Спорт кўрсатуви. 17.30 «К-2» таништиради: «Абзац». 18.00 Хабарлар. 18.20 «Ҳар бир кун байрам».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.30 Хабарлар. 18.45 «Хонанда». 19.30 Хабарлар. 19.45 «Сезам» кўчаси. 20.15 «Тог сўқмоқларида». Хужжатли фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.45 «Моҳир сузувчи». Бадий фильм. 21.55 Эълонлар. 22.00 Хабарлар. 22.25 «Шчеликов ҳақида меҳр-муҳаббат ва ташвиш билан». 22.45 «Ассорти». 23.15 «А» кўрсатуви.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.35 Экранда Туркия киноси.

18 ЯҚШАНБА

УзТВ I

7.00 Хужжатли фильмлар экрани. 8.00 «Нодир шахс». Бадий

фильм. 9.20 Спорт кўрсатувлари. 1. Еш полвлар мактаби. 2. «Ўзбекистон спорти». 10.20 Дони Зокиров номидаги халқ чогу оркестрининг концерти. 11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ». 12.00 Рамаз Бобожон, Фарход Олимов, «Осуф ва Зулайхо». Муқимий номидаги муסיқий театр спектакли.

18.00 «Сеними, шошмай тур». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Кўшигим, жон кўшигим». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Катталар учун мультфильм. 19.40 «Хўжа Насриддиннинг кулгиси». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Хорманг, бободоҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.00 «Холодильникда биров бор». Бадий фильм. 23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Мезгилбектин», «Баластан», «Ҳамма, Ҳаммага хайрли кун!», Бадий фильм, мультфильм.

18.05 «Ҳамма учун уй». Мультфильм. 18.30 «Новинки» кино клуби (рус тилида). 19.30 «Ала-Тоо». 19.50 «Элет эстрадаси». «Аршан» ансамблининг концерти. 20.25 «Залкар драматург». Қирғизистон Республикаси халқ азувчиси Т. Абдумомунов.

«ОРБИТА IV»

6.20, 15.15, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби. 6.25 «Рўҳни чиқитириш». 7.25 «Эрта сахарлаб». 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Спортлото» тиражи. 8.45 «Винтик ва Шпунтик — қувноқ усталар». Мультфильм. 9.05 «Хива нақшлари» ўзбек фольклор ансамблининг концерти. 9.30 «Димқовода баҳор». Телефильм премьераси. 9.45 «Алешанинг эртаклари». Мультфильм. 9.55 «Тонг юлдузи». 10.45 «Пи» белгиси билан. 11.35 Янги авлод танлайди. 12.25 «Қора кўркэм от саргузаштлари». Болалар учун кўп сериали телефильм премьераси. 14-серия. 12.50 Шоир Л. Ошаниннинг юбилей концерти. 14.10 «Волхонкадаги уй». Кўп сериали телефильм премьераси. 1-фильм. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Саҳбатчилар клуби». 16.10 «Кичкинтой ёнот». Мультфильм. 16.20 «Крокодил» — 70 ёшда. 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 18.40 Янгиликлар (С



«ИШОНЧ» ФЕСТИВАЛИ

БИР УМРГА ЁДИМДА КОЛАДИ

СЕВИМЛИ «ИШОНЧ» газетамизнинг бир йиллиги муносабати билан уюштирилган фестивалида иштирок этганимдан хурсандман. Фестиваль жуда завқли ўтди. Тошкентдаги Бобур номли боғ байрам тусини олиб, эртадан-кечагача кўшик, куйлар янграб турди. Ажойиб санъаткорларимиз, таниқли кизикчиларимиз ўз маҳоратларини намойиш этиш билан омманинг олқишини олдилар. Шанба кунги ўтказилган бу шодиёна маросим ҳамма қатори менинг ҳам бир умрга ёдимда сакланиб қолса керак.


Насиба АБДУЛЛАЕВА,
ТошДУ аспиранти.



БИЗ ҲАМ ЯЙРАДИК

«Ишонч» газетасининг обуначиси, мухлиси бўлганим учун ҳам бу хушхабарни бир ҳафта олдин эшитиб, фестивалга боришга аҳд қилдим. Раққоса Нурхон Зулунова икковимиз кириб борсак Бобур номли боғ мисоли жаннат бўлиб кетибди, дег. Эҳ-ҳе, «Ишонч»нинг мухлислари жуда кўп экан. Бир ёқда кўшик, мусиқа, шеърят, бир ёқда савдо хизмати. Ясанган-тусанган ёшлар, кексалар. Уззу-кун озода, шинам богда дам олиб, яйраб-яшнаб. «Ишонч» газетаси ходимлари билан яқиндан танишиб, роса хурсанд бўлиб қайтдик. Бундайин маънавият сайили қани энди тез-тез бўлиб турса.

Тожиҳон МУСАЕВА,
чевар.



Суратларда: фестивалдан лавҳалар.
Ҳаким СОЛИХОВ олган суратлар.



Бош муҳаррир

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Жасур НОСИРОВ, Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Муҳайё ТУЛАГАНОВА, Шабот ХУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ, Турсуни ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.



- Бош муҳаррир қабул-хонаси — 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
- Масъул котиб — 56-52-78
- Котибнинг — 56-87-59

БЎЛИМЛАР

- Қасаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт ва вилоятлараро мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Хатлар, оммавий ишлар, тижорат, ҳамкорлик ва тadbirkorlik — 56-87-78; 56-87-73.
- Маънавият, маданият ва табиат — 56-87-63.
- Бездатиш ва сураткашлик — 56-87-74.

- Ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик — 56-55-85.

ВИЛОЯТЛАРАРО МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-63-64;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-59;
- Урганчда — 6-87-82;
- Фарғонада — 4-47-73;
- Қаршида — 5-33-71.

● Муҳарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтариқмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Мақоалалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

● «Ишонч» газетаси 1991 йил 8 январь кунини Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган ва унга 000068 сонли гувоҳнома берилган.



СОТУВДАГИ НАРХИ 3 СЎМ.

- ДУШАНБА кунлари чиқади.
- Босишга 9 октябрда топширилди.
- Навбатчи масъуллар:
Турғун Назаров,
Санъат Маҳмудова.
- МАНЗИЛИМИЗ:
700185, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» газетаси кўчаси, 24 -уй.
● Буюртма Г-422
- 101330 нускада босилди
- Ўзбекистон Республикаси «Шарк» нашриёти-матбаачилик концернининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12